

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ХИЗМАТИ АГЕНТЛИГИ
ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ВА АТРОФ-МУҲИТ МОНИТОРИНГИ

ИЛМИЙ ЖУРНАЛ

**ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ
И МОНИТОРИНГ ОКРУЖАЮЩЕЙ СРЕДЫ**

НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ

**HYDROMETEOROLOGY
AND ENVIRONMENTAL MONITORING**

SCIENTIFIC JOURNAL

№1

2024

ISSN 2181-1261

Ўзбекистон Республикаси
Гидрометеорология хизмати агентлиги
(Ўзгидромет)

Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти
(ГМИТИ)

**ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ
ВА АТРОФ-МУҲИТ МОНИТОРИНГИ**

Илмий журнал



**ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ
И МОНИТОРИНГ ОКРУЖАЮЩЕЙ СРЕДЫ**

Научный журнал



**HYDROMETEOROLOGY
AND ENVIRONMENTAL MONITORING**

Scientific journal

№ 1

2024

Тошкент

ТАҲРИР КЕНГАШИ

Таҳрир кенгаши раиси:

Ҳабибуллаев Шерзод
Ҳабибуллаҳўжаевич

Масъул котиб:

Рўзиева Малоҳат Бахтиёровна

Таҳрир кенгаши аъзолари:

Тажиев Баходир Саъдуллаевич
Алихонов Борий Ботирович
Абдурахманов Иброҳим Юлчиевич
Хамраев Шавкат Раҳимович
Нишонов Баҳриддин Эрқинович

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Бош муҳаррир:

Холматжанов Бахтияр Маҳаматжанович,
г.ф.д., проф.

Бош муҳаррир ўринбосари:

Ҳикматов Фазлиддин,
г.ф.д., проф.

Таҳрир ҳайъати аъзолари:

Абдурахимов Бахтиёр Файзиевич, ф.-м.ф.д., проф. (Ўзбекистон); Аденбаев Бахтиёр Ембергенович, г.ф.д., доц. (Ўзбекистон); Агзамов Файзулла Саидакбарович, и.ф.н. (Ўзбекистон); Азизов Азамат Атакузиевич, к.ф.н., доц. (Ўзбекистон); Азизова Раъно Гаффаровна, к.ф.н., к.и.х. (Ўзбекистон); Арушанов Михаил Львович, г.ф.д., проф. (Ўзбекистон); Аҳмедова Тамара Абдурахимовна, тех.ф.н., к.и.х. (Ўзбекистон); Бабушкин Олег Леонидович, г.ф.н., к.и.х. (Ўзбекистон); Верещагина Наталья Григорьевна, к.ф.н. (Ўзбекистон); Гуния Гарри Сергеевич, г.ф.д., проф. (Грузия); Гушина Дарья Юрьевна, г.ф.д. (Россия); Дергачёва Ирина Викторовна, г.ф.ф.д. (Ўзбекистон); Камалов Баходир Асамович, г.ф.д., доц. (Ўзбекистон); Карандаева Лидия Михайловна, тех.ф.н., к.и.х. (Ўзбекистон); Мамаджанова Гавхар Аҳматхоновна, ф.-м.ф.д. (Ўзбекистон); Мурадов Шухрат Одилович, тех.ф.д., проф. (Ўзбекистон); Мягков Сергей Владимирович, тех.ф.д., к.и.х. (Ўзбекистон); Нишонов Мухтор Мадаминович, ф.-м.ф.н., доц. (Ўзбекистон); Раҳмонов Комилжон Раджабович, г.ф.ф.д., доц. (Ўзбекистон); Рафиқов Ваҳоб Асомович, г.ф.д., проф. (Ўзбекистон); Тилляходжаева Зухраҳон Джахангировна, г.ф.ф.д. (Ўзбекистон); Глеумуратова Бибигуль Саробаевна, ф.-м.ф.д. (Ўзбекистон); Тургунов Данияр Маннапжанович, г.ф.д., доц. (Ўзбекистон); Умаров Муҳаммад Исмаилович, қ.х.ф.н. (Ўзбекистон); Умирзақов Ғуломжон Ўнғарбоевич, қ.х.ф.ф.д. (Ўзбекистон); Холбаев Гулман Холбаевич, г.ф.н., к.и.х. (Ўзбекистон); Фазылов Али Раҳматджанович, тех.ф.д., доц. (Тожикистон); Фролова Наталья Леонидовна, г.ф.д., проф. (Россия); Цинцадзе Тенгиз Нодарович, тех.ф.д., проф. (Грузия); Чембарисов Эльмир Исмаилович, г.ф.д., проф. (Ўзбекистон); Чередниченко Александр Владимирович, г.ф.д., проф. (Қозғоғистон); Эгамбердиев Ҳамракул Турсункулович, г.ф.д., проф. (Ўзбекистон); Юнусов Голиб Ходжаевич, г.ф.д., доц. (Ўзбекистон); Якубов Мурод Адилович, тех.ф.д., проф. (Ўзбекистон).

Журналда чоп этилган материаллардан фойдаланилганда “Гидрометеорология ва атроф-муҳит мониторинги” илмий журналдан олинди”, деб кўрсатилиши шарт. Мақолада келтирилган далиллар ва маълумотлар учун муаллифлар жавобгар. Таҳририят тақриздан ўтмаган мақолаларни қайтариш мажбуриятини олмага.

Журналнинг электрон шаклида жойлаштирилган барча материаллар нашр қилинган ҳисобланади ва муаллифлик ҳуқуқи объекти саналади.

“Гидрометеорология ва атроф-муҳит мониторинги” илмий журнали Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 6 июлда №1083-сон Гувоҳнома билан Оммавий ахборот воситаси давлат рўйхатидан ўтказилган.

“Гидрометеорология ва атроф-муҳит мониторинги” илмий журнали Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2021 йил 30 апрелдаги 296/5-сон қарори билан 01.00.00 – Физика-математика фанлари, 06.00.00 – Қишлоқ хўжалиги фанлари ва 11.00.00 – География фанлари бўйича диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Таъсисчи: Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати агентлиги

Таҳририят манзили: Ўзбекистон, 100052, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Бодомзор йўли 1-тор кўча, 72. Тел.: +998 71 235-87-59; e-mail: info@nigmi.uz

ISSN 2181-1261

© Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати агентлиги, 2024

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ

Председатель редакционного совета:

Хабибуллаев Шерзод
Хабибуллахужаевич

Ответственный секретарь:

Рузиева Малохат Бахтиёровна

Члены редакционного совета:

Тажиев Баходир Саъдуллаевич
Алихонов Борий Ботирович
Абдурахманов Иброхим Юлчиевич
Хамраев Шавкат Рахимович
Нишонов Бахриддин Эркинович

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ

Главный редактор:

Холматжанов Бахтияр Махаматжанович,
д.г.н., проф.

Заместитель главного редактора:

Хикматов Фазлиддин,
д.г.н., проф.

Члены редакционной коллегии:

Абдурахимов Бахтиёр Файзиевич, д.ф.-м.н., проф. (Узбекистан); Аденбаев Бахтиёр Ембергенович, д.г.н., доц. (Узбекистан); Агзамов Файзулла Саидакбарович, к.э.н. (Узбекистан); Азизов Азамат Атакузиевич, к.х.н., доц. (Узбекистан); Азизова Раъно Гаффаровна, к.х.н., с.н.с. (Узбекистан); Арушанов Михаил Львович, д.г.н., проф. (Узбекистан); Ахмедова Тамара Абдурахимовна, к.т.н., с.н.с. (Узбекистан); Бабушкин Олег Леонидович, к.г.н., с.н.с. (Узбекистан); Верещагина Наталья Григорьевна, к.х.н. (Узбекистан); Гуния Гарри Сергеевич, д.г.н., проф. (Грузия); Гущина Дарья Юрьевна, д.г.н. (Россия); Дергачёва Ирина Викторовна, д.ф.г.н. (Узбекистан); Камалов Баходир Асамович, д.г.н., доц. (Узбекистан); Карандаева Лидия Михайловна, к.т.н., с.н.с. (Узбекистан); Мамаджанова Гавхар Ахматхоновна, д.ф.-м.н. (Узбекистан); Мурадов Шухрат Одилович, д.т.н., проф. (Узбекистан); Мягков Сергей Владимирович, д.т.н., с.н.с. (Узбекистан); Нишонов Мухтор Мадаминович, к.ф.-м.н., доц. (Узбекистан); Рахмонов Комилжон Раджабович, д.ф.г.н., доц. (Узбекистан); Рафиков Вахоб Асомович, д.г.н., проф. (Узбекистан); Тилляходжаева Зухраhon Джахангировна, д.ф.г.н. (Узбекистан); Тлеумуратова Бибигуль Сарibaевна, д.ф.-м.н. (Узбекистан); Тургунов Данияр Маннапжанович, д.г.н., доц. (Узбекистан); Умаров Мухаммад Исмагуллаевич, к.с.х.н. (Узбекистан); Умирзаков Гуломжон Унгарбаевич, д.ф.с.-х.н. (Узбекистан); Холбаев Гулман Холбаевич, к.г.н., с.н.с. (Узбекистан); Фазылов Али Рахматджанович, д.т.н., доц. (Таджикистан); Фролова Наталья Леонидовна, д.г.н., проф. (Россия); Цинцадзе Тенгиз Нодарович, д.т.н., проф. (Грузия); Чембарисов Эльмир Исмаилович, д.г.н., проф. (Узбекистан); Чередниченко Александр Владимирович, д.г.н., проф. (Казахстан); Эгамбердиев Хамракул Турсункулович, д.г.н., проф. (Узбекистан); Юнусов Голиб Ходжаевич, д.г.н., доц. (Узбекистан); Якубов Мурод Адилевич, д.т.н., проф. (Узбекистан).

При использовании материалов, опубликованных в журнале, следует указать «взяты из научного журнала «Гидрометеорология и мониторинг окружающей среды». Авторы несут ответственность за факты и информацию, представленные в статье. Редакция не берет на себя обязательство возвращения статей, не прошедших рецензирование.

Все материалы, размещенные в электронном варианте журнала, считаются опубликованными и являются объектами авторского права.

Научный журнал «Гидрометеорология и мониторинг окружающей среды» зарегистрирован в Государственном реестре средств массовой информации Свидетельством №1083 Агентства информации и массовых коммуникаций при Администрации Президента Республики Узбекистан от 6 июля 2020 г.

Постановлением Президиума Высшей аттестационной комиссии Республики Узбекистан №296/5 от 30 апреля 2021 г. научный журнал «Гидрометеорология и мониторинг окружающей среды» включен в перечень научных изданий для публикации основных научных результатов диссертаций по направлениям 01.00.00 – Физико-математические науки, 06.00.00 – Сельскохозяйственные науки и 11.00.00 – Географические науки.

Учредитель: Агенство гидрометеорологической службы Республики Узбекистан.

Адрес редакции: Узбекистан, 100052, г. Ташкент, Юнусабадский район, ул. 1-й проезд Бодомзор йули, 72. Тел.: +998 71 235-87-59; e-mail: info@nigmi.uz

ISSN 2181-1261

© Агентство гидрометеорологической службы Республики Узбекистан, 2024

EDITORIAL COUNCIL

Chairman of the Editorial Council:

Sherzod Khabibullakhujaevich
Khabibullaev

Assistant Editor:

Ruzieva Malokhat Bakhtiyorovna

Members of the Editorial Council:

Bakhodir Sadullaevich Tajiev
Boriy Botirovich Alikhonov
Ibrohim Yulchievich Abdurakhmanov
Shavkat Rakhimovich Khamraev
Bakhriddin Erkinovich Nishonov

EDITORIAL BOARD

Editor-in-Chief:

Bakhtiyar Makhmatjanovich Kholmatjanov,
D.Sc. in Geog., Prof.

Deputy Editor-in-Chief:

Fazliddin Khikmatov,
D.Sc. in Geog., Prof.

Members of the Editorial Board:

Bakhtiyor Fayzievich Abdurakhimov, *D.Sc. in Phys. & Math. (Uzbekistan)*; **Bakhtiyor Embergenovich Adenbaev**, *D.Sc. in Geog. (Uzbekistan)*; **Fayzulla Saydakbarovich Agzamov**, *Ph.D. in Econ. Sci. (Uzbekistan)*; **Azamat Atakuzievich Azizov**, *Ph.D. in Chem. Sci. (Uzbekistan)*; **Rano Gaffarovna Azizova**, *Ph.D. in Chem. Sci. (Uzbekistan)*; **Mikhail Lvovich Arushanov**, *D.Sc. in Geog. (Uzbekistan)*; **Tamara Abdurakhimovna Akhmedova**, *Ph.D. in Tech. Sci. (Uzbekistan)*; **Oleg Leonidovich Babushkin**, *Ph.D. in Geog. Sci. (Uzbekistan)*; **Natalya Grigoryevna Vereshchagina**, *Ph.D. in Chem. Sci. (Uzbekistan)*; **Garry Sergeevich Gunia**, *D.Sc. in Geog. (Georgia)*; **Darya Yuryevna Gushchina**, *D.Sc. in Geog. (Russia)*; **Irina Viktorovna Dergacheva**, *Ph.D. in Geog. Sci. (Uzbekistan)*; **Bakhodir Asamovich Kamalov**, *D.Sc. in Geog. (Uzbekistan)*; **Lidiya Mikhaylovna Karandaeva**, *Ph.D. in Tech. Sci. (Uzbekistan)*; **Gavkhar Akhmatkxonovna Mamadjanova**, *D.Sc. in Phys. & Math. (Uzbekistan)*; **Shukhrat Odilovich Muradov**, *D.Sc. in Tech. (Uzbekistan)*; **Sergey Vladimirovich Myagkov**, *D.Sc. in Tech. (Uzbekistan)*; **Mukhtor Madaminovich Nishonov**, *Ph.D. in Phys. & Math. (Uzbekistan)*; **Komiljon Radjabovich Rakhmonov**, *Ph.D. in Geog. Sci. (Uzbekistan)*; **Vakhob Asomovich Rafikov**, *D.Sc. in Geog. (Uzbekistan)*; **Zukhrakhon Djakhangirovna Tillyakhodjaeva**, *Ph.D. in Geog. Sci. (Uzbekistan)*; **Bibigul Saribaevna Tleumuratova**, *D.Sc. in Phys. & Math. (Uzbekistan)*; **Daniyar Mannapjanovich Turgunov**, *D.Sc. in Geog. (Uzbekistan)*; **Muxammad Ismatullayevich Umarov**, *Ph.D. in Agricult. Sci. (Uzbekistan)*; **Gulomjon Ungarbaevich Umirzakov**, *Ph.D. in Agri. Sci. (Uzbekistan)*; **Gulman Kholbaevich Kholbaev**, *Ph.D. in Geog. Sci. (Uzbekistan)*; **Ali Rakhmatjanovich Fazylov**, *D.Sc. in Tech. (Tajikistan)*; **Natalya Leonidovna Frolova**, *D.Sc. in Geog. (Russia)*; **Tengiz Nodarovich Tsintsadze**, *D.Sc. in Tech. (Georgia)*; **Elmir Ismailovich Chembarisov**, *D.Sc. in Geog. (Uzbekistan)*; **Alexandr Vladimirovich Cherednichenko**, *D.Sc. in Geog. (Kazakhstan)*; **Khamrakul Tursunkulovich Egamberdiev**, *D.Sc. in Geog. (Uzbekistan)*; **Golib Khodjaevich Yunusov**, *D.Sc. in Geog. (Uzbekistan)*; **Murod Adilovich Yakubov**, *D.Sc. in Tech. (Uzbekistan)*.

When using materials published in the journal, it should be noted that they are "taken from the Scientific journal "Hydrometeorology and Environmental Monitoring". The authors are responsible for the evidence and information presented in the article. The Editorial Board does not undertake obligation to return the articles that have not passed peer review.

All materials posted in the electronic form of the journal are considered as published and protected for copyright.

The Scientific journal "Hydrometeorology and Environmental Monitoring" is registered in the State Register of Mass Media by Certificate No. 1083 of the Agency of Information and Mass Communications under the Administration of the President of the Republic of Uzbekistan dated July 6, 2020.

By the Decree of the Presidium of Supreme Attestation Commission of the Republic of Uzbekistan No. 296/5 dated April 30, 2021, the Scientific journal "Hydrometeorology and Environmental Monitoring" is included in the list of scientific publications for the publication of the main scientific results of dissertations in the areas 01.00.00 – Physical and mathematical sciences, 06.00.00 – Agricultural sciences and 11.00.00 – Geographical sciences.

Founder: Agency of Hydrometeorological Service of the Republic of Uzbekistan.

Editorial office address: 72, 1st Bodomzor yuli str., Yunusobod district, Tashkent, 100052, Uzbekistan. Tel: +998 71 2358759; e-mail: info@nigmi.uz

ISSN 2181-1261

© Agency of Hydrometeorological Service of the Republic of Uzbekistan, 2024

МУНДАРИЖА

МЕТЕОРОЛОГИЯ

Б.М. Холматжанов, И.М. Махмудов, Ф.Б. Сафаров, С.У. Бегматов, Д.Ў. Ярашев, Д.Б. Истамов Ўзбекистон жанубида метеорологик қурғоқчиликнинг вақт давомидаги ўзгаришини SPI индекси асосида баҳолаш	8
--	---

М.Р. Қориев Иқлим ўзгариши шароитида Наманган вилоятида ёғин миқдоридаги ўзгаришлар	28
--	----

Ф. Ҳикматов, Р.Р. Зияев, С.А. Хайдаров, Д.А. Саидова, Ш.Р. Ғаниев Ўрта Зарафшон ҳавзасида метеорологик катталикларнинг иқлим илиши шароитидаги ўзгаришларини баҳолаш	38
---	----

ГИДРОЛОГИЯ

Б.Е. Аденбаев, А.З. Умаров, О.А. Хайдарова Куйи Амударёга оқиб келадиган сув миқдорининг антропоген омиллар таъсирида ўзгаришини баҳолаш	50
---	----

А.Я. Исакова, Б.Ф. Ҳикматов Иқлим илиши шароитида сел оқимлари максимал сув сарфлари ва такрорланувчанлигининг ўзгаришини баҳолаш (Чирчиқ-Оҳангарон ҳавзаси кичик дарёлари мисолида)	59
--	----

АТРОФ-МУҲИТ МОНИТОРИНГИ

Т.В. Кудишкин, Н.Г. Верешагина, А.М. Мухаметзянова Қли дарёси ва Оқбулоқ коллекторининг Айдар-Арнасой кўллари тизими Тузкон кўли акваториясига қуйиладиган ҳудудидаги дарё чўкиндиларида ифлослантурувчи моддалар миқдорини ўрганиш	71
---	----

Б.Э. Нишонов, Л.Ю. Шардакова, А.Р. Ахмедова, Н.И. Рахматова Тошкент шаҳрида 1981-2021 йиллардаги чанг бўрони ҳодисасининг статистик таҳлили	79
--	----

С.Б. Калабаев, Ф.Я. Артикова Сунъий йўлдош кузатув маълумотлари бўйича кўллари хариталаш ва мониторинг қилиш	87
---	----

ХОТИРА ВА ЮБИЛЕЙЛАР

Юрий Михайлович Денисов хотирасига (таваллудининг 95 йиллигига бағишланади)	94
--	----

Светлана Георгиевна Чанишева хотирасига (таваллудининг 90 йиллигига бағишланади)	96
---	----

Лидия Михайловна Карандаева – 70 ёшда!	98
--	----

СОДЕРЖАНИЕ

МЕТЕОРОЛОГИЯ

**Б.М. Холматжанов, И.М. Махмудов, Ф.Б. Сафаров,
С.У. Бегматов, Д.У. Ярашев, Д.Б. Истамов**

Оценка изменения метеорологической засухи во времени
на юге Узбекистане на основе индекса SPI 8

М.Р.Кориев

Изменение количества осадков в Наманганской области
в условиях изменения климата 28

**Ф. Хикматов, Р.Р. Зияев, С.А. Хайдаров,
Д.А. Саидова, Ш.Р. Ганиев**

Оценка изменения метеорологических величин
в бассейне Среднего Зеравшана в условиях потепления климата 38

ГИДРОЛОГИЯ

Б.Е. Аденбаев, А.З. Умаров, О.А. Хайдарова

Оценка изменений объема поступления речных вод в низовья Амударьи
под влиянием антропогенных факторов 50

А.Я. Исакова, Б.Ф. Хикматов

Оценка изменений максимальных расходов и повторяемости селей
в условиях потепления климата (на примере малых рек
Чирчик-Ахангаранского бассейна) 59

МОНИТОРИНГ ОКРУЖАЮЩЕЙ СРЕДЫ

Т.В. Кудышкин, Н.Г. Верещагина, А.М. Мухаметзянова

Исследование содержания загрязняющих веществ в донных отложениях
в зоне впадения реки Клы и коллектора Акбулак
в акваторию озера Тузкан Айдар-Арнасайской системы озер 71

Б.Э. Нишонов, Л.Ю. Шардакова, А.Р. Ахмедова, Н.И. Рахматова

Статистический анализ явления пыльная буря в
городе Ташкент за 1981-2021 годы 79

С.Б. Калабаев, Ф.Я. Артикова

Картирование и мониторинг озер по данным спутниковых наблюдений 87

ХРОНИКА И ЮБИЛЕИ

Памяти Денисова Юрия Михайловича (к 95-летию со дня рождения) 94

Памяти Чанышевой Светланы Георгиевны (к 90-летию со дня рождения) 96

Карандаевой Лидии Михайловне – 70 лет! 98

CONTENTS

METEOROLOGY

- B.M. Kholmatjanov, I.M. Makhmudov, F.B. Safarov, S.U. Begmatov, D.U. Yarashev, D.B. Istamov**
Assessment of changes in meteorological drought over time in southern Uzbekistan based on SPI index 8
- M.R. Koriyev**
Changes in the amount of precipitation in the Namangan region in the conditions of climate change 28
- F. Khikmatov, R.R. Ziyaev, S.A. Khaydarov, D.A. Saidova, S.R. Ganiev**
Assessment of changes in meteorological values in the Middle Zeravshan basin under conditions of climate warming 38

HYDROLOGY

- B.E. Adenbaev, A.Z. Umarov, O.A. Khaydarova**
Assessment of changes in the volume of river water input into the lower Amudarya under the influence of anthropogenic factors 50
- A.Ya. Isakova, B.F. Khikmatov**
Assessment of changes in maximum discharge and frequency of mudflows under conditions of climate warming (based on the example of small rivers of the Chirchik-Akhangaran basin) 59

ENVIRONMENTAL MONITORING

- T.V. Kudyshkin, N.G. Vereshagina, A.M. Mukhametzyanova**
Research of the content of pollutants in bottom sediments in the area of the inflow of the Kly River and the Akbulak Collector into the water area of the Tuzkan Lake of the Aidar-Arnasay lakes system 71
- B.E. Nishonov, L.Yu. Shardakova, A.R. Akhmedova, N.I. Rakhmatova**
Statistical analysis of dust storm phenomena in Tashkent city for 1981-2021 79
- S.B. Kalabaev, F.Ya. Artikova**
Mapping and monitoring of lakes by using satellite observations 87

CHRONICLE AND ANNIVERSARIES

- In memory of Denisov Yuriy Mikhaylovich (to the 95th birthday anniversary) 94
- In memory of Chanisheva Svetlana Georgievna (to the 90th birthday anniversary) .. 96
- Lidiya Mikhaylovna Karandaeva is 70 Years Old! 98

МЕТЕОРОЛОГИЯ / METEOROLOGY

УДК: 551.577.38

ЎЗБЕКИСТОН ЖАНУБИДА МЕТЕОРОЛОГИК ҚУРҒОҚЧИЛИКНИНГ ВАҚТ ДАВОМИДАГИ ЎЗГАРИШИНИ SPI ИНДЕКСИ АСОСИДА БАҲОЛАШ**Б.М. ХОЛМАТЖАНОВ^{1,2*}, И.М. МАХМУДОВ², Ф.Б. САФАРОВ³,
С.У. БЕГМАТОВ², Д.Ў. ЯРАШЕВ², Д.Б. ИСТАМОВ^{1,4}**¹ Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, b.xolmatjanov@nuu.uz² Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти, sardor0752@gmail.com³ Гидрометеорология хизмати агентлиги, sfazizbek@gmail.com⁴ Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Физика-техника институти, istamov@uzsci.net

Аннотация. Мақолада 1991-2020 йилларда Ўзбекистоннинг жанубий – Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида 1 ва 3 ойлик метеорологик қурғоқчиликнинг статистик кўрсаткичлари SPI индекси асосида баҳоланган ва унинг тақсимоти тадқиқ этилган. Тадқиқотни бажаришда ҳудудда жойлашган 15 та метеорология станциялари ва Европа ўрта муддатли об-ҳаво прогнозлари марказининг ERA5 реанализ базаси атмосфера ёгинлари маълумотларидан фойдаланилди. Суғориладаган ҳудудларда жойлашган Термиз ва Шаҳрисабз ҳамда тоғли ҳудудларда жойлашган Мингчуқур ва Бойсун метеорология станциялари кузатувлари ва реанализ маълумотлари қаторларининг мослиги баҳоланди. Олинган натижалар март-октябрь даврида кўп йиллик ўртача 1 ойлик ёгинлар миқдорлари учун корреляция коэффициентлари, мос равишда 0,98, 0,96, 0,95 ва 0,98 ни, мавсумлар учун эса Термиз ва Бойсунда 0,95, Шаҳрисабзда 0,98 ва Мингчуқурда 0,99 ни ташиқил этишини кўрсатди. ERA5 маълумотлари асосида ҳисобланган 1 ва 3 ойлик намланиш даражалари нормал тақсимотга эга бўлиб, 1 ойлик SPI индекси бўйича 70,0% атрофидаги ҳолатларда, 3 ойлик SPI индекси бўйича эса 62,0%-68,0% ҳолатларда меъёрга яқин намланиш даражаси қайд этилиши, экстремал қурғоқчилик даражасининг такрорланувчанлиги мос равишда 1,4% ва 2,5% дан ортмаслиги аниқланди. SPI индексининг йиллараро ўзгариш графиклари асосида нам ва қурғоқчил йиллар ажратилиб, 1 ойлик SPI индексининг 1998 ва 2008 йиллар учун ҳамда 3 ойлик SPI индексининг 1998 ва 2000 йиллар учун тақсимот карталари тузилди.

Калит сўзлар: ёгинлар миқдори, ERA5, қурғоқчилик, SPI, Қашқадарё, Сурхондарё.

Кириш. Иссиқлик ва совуқлик тўлқинлари, кучли ёғингарчилик ва сув тошқинлари, қурғоқчилик, ўрмон ёнғинлари ва бир қатор бошқа катта ҳудудларда узок вақт давом этувчи табиий ҳодисалар инсон фаолияти учун энг хавфли ҳисобланади. Санаб ўтилган хавфли гидрометеорологик ҳодисалар орасида қурғоқчилик энг катта кўлам ва давомийликка эга бўлиб, қитъаларнинг улкан ҳудудларини қамраб олиши ва 3 йилгача давом этиши мумкин [Русин, 2003]. Қурғоқчиликни тадқиқ этиш тўртта йўналишда олиб борилиб, улардан бири турли даражадаги қурғоқчиликнинг шаклланиш эҳтимоллигини унинг такрорланувчанлиги, давомийлиги ва жадаллигини баҳолаш орқали амалга оширилади [Byun, Wilhite, 1999].

Ҳозирги вақтда жаҳон амалиётида йигирмадан ортиқ метеорологик қурғоқчилик индекслари кўлланилмоқда [World ..., 2016]. Жаҳон метеорология ташкилотининг (ЖМТ) бу манбасига кўра, «фойдаланиш қулайлиги» бўйича қурғоқчилик индекслари шартли

* Масъул муаллиф: b.xolmatjanov@nuu.uz, тел.: +998 99 875-51-27

Бирламчи маълумотлар ва тадқиқот усуллари. Тадқиқот ишини бажаришда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида жойлашган метеорология станциялари маълумотларидан фойдаланилди (1-жадвал).

1-жадвал

Тадқиқотда маълумотларидан фойдаланилган метеорология станциялари

Таблица 1

Метеорологические станции, данные которых использованы в исследовании

Table 1

Meteorological stations' data that were used in the study

№	Метеорология станцияси	Денгиз сатҳига нисбатан баландлик, м
Қашқадарё вилояти		
1	Муборак	286
2	Қарши	370
3	Чимкўрғон	466
4	Ғузур	524
5	Шаҳрисабз	627
6	Дехқонобод	938
7	Оқрабат	1599
8	Мингчукур	2130
9	Кўл	2161
Сурхондарё вилояти		
10	Шеробод	117
11	Термиз	313
12	Шўрчи	449
13	Денов	553
14	Сариосиё	586
15	Бойсун	1241

SPI индекси қуйидаги формула бўйича ҳисобланади [Уткузова и др., 2015]:

$$SPI = \pm \left(t - \frac{c_0 + c_1 t + c_2}{1 + d_1 t + d_2 t^2 + d_3 t^3} \right), \quad (1)$$

бу ерда: $t = \sqrt{\ln \left(\frac{1}{|(c - H(x))^2|} \right)}$ ($0 < H(x) \leq 0,5$ бўлганда $c=0$; $0,5 < H(x) < 1$ бўлганда

$c=1$); $H(x) = q + (1 - q)G(x)$ – ёғинларнинг кумулятив эҳтимоллиги, q – ноль ёғингарчилик эҳтимоллиги; $G(x)$ – гамма-функция; $c_0, c_1, c_2, d_1, d_2, d_3$ – доимийлар.

SPI индексининг муайян қийматлар диапазолига 2-жадвалда келтирилган қурғоқчилик даражалари мос келади. Ихтиёрий вақт масштаби учун қурғоқчилик мезони қуйидагича аниқланади. SPI қиймати манфий бўлганда ҳар доим қурғоқчилик ҳодисаси шаклланди деб қабул қилинади ва $SPI \leq -1,0$ бўлганда қурғоқчилик муайян жадалликка эришади. SPI мусбат қиймат қабул қилганида қурғоқчилик яқунланди деб ҳисобланади. Шундай қилиб, ҳар бир қурғоқчилик ҳодисаси бошланиш ва тугаш муддатлари билан аниқланувчи давомийлик ҳамда қурғоқчилик қайд этилган ҳар бир ой (ёки ойлар) бўйича жадаллик кўрсаткичлари билан тавсифланади [McKee et al., 1993].

Тупрокнинг намлиги ёғинларнинг нисбатан қисқа вақт давомидаги аномалияларига таъсирчан. Ер ости сувларининг ҳолати, дарёларнинг сув оқими ва сув омборларининг гидрологик режими эса ёғинларнинг узоқ муддатли аномалияларини акс эттиради. Шу сабабли 1 ва 2 ойлик SPI қийматлари метеорологик қурғоқчилик, 1-6 ойлик SPI

қийматлари тупроқ қурғоқчилиги, 6 дан 24 ойликкача ва ундан каттароқ вақт оралиғи учун ҳисобланган SPI қийматлари эса гидрологик қурғоқчиликни таҳлил қилиш учун қўлланилиши мумкин [World ..., 2012].

2-жадвал

SPI индекси бўйича намланиш таснифи

Таблица 2

Классификация увлажненности по индексу SPI

Table 2

Humidity classification according to the SPI index

SPI қиймати	Намланиш даражаси
> 2	Экстремал нам
1,5 ÷ 1,99	Жуда нам
1,0 ÷ 1,49	Мўътадил нам
-0,99 ÷ 0,99	Меъёрга яқин
-1,0 ÷ -1,49	Мўътадил қурғоқчил
-1,5 ÷ -1,99	Кучли қурғоқчил
< -2	Экстремал қурғоқчил

Ер усти кузатув тармоғининг етарлича зич жойлашганига қарамай, биржинсли бўлмаган рельеф шаклларига эга бўлган ҳудудларда метеорологик катталикларнинг тақсимотини ер усти кузатув маълумотлари асосида аниқлаш аксарият ҳолларда имконсиз ҳисобланади. Бу вазифани ҳал қилишда ҳозирги кунда турли реанализ базалари маълумотларидан фойдаланилмоқда. Бир қатор олимлар томонидан мавжуд реанализ базалари маълумотларини қиёслаш натижалари Европа ўрта муддатли об-ҳаво прогнозлари марказининг (ECMWF) ERA5 реанализ маълумотлари ва ер усти кузатув маълумотлари орасидаги мувофиқлик энг яхши эканлигини кўрсатган [Арушанов, Вдовенко, 2022; Рахимов ва бошқ., 2023; Холматжанов ва бошқ., 2023; Hu et al., 2014; Rakhmatova et al., 2021]. Шу сабабли, ёгинлар миқдори ва SPI индексининг тақсимотини аниқлашда 1991-2020 йиллар учун ERA5 базаси маълумотларидан фойдаланилди [Welcome ...].

SPI индекси R-Studio дастурий таъминоти кутубхонасига кирувчи spi 1.1 [CRAN ...] ва АҚШ Небраска университети Қурғоқчилик оқибатларини юмшатиш марказининг SPIgenerator [National ...] дастурлари воситасида ҳисобланди ва натижаларнинг мувофиқлиги текширилди.

Асосий натижалар ва уларнинг муҳокамаси. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида фаолият кўрсатаётган метеорология станциялари маълумотларига биноан 1961-1990 йй., 1971-2000 йй., 1981-2010 йй. ва 1991-2020 йй. иқлимий даврларида атмосфера ёгинлари миқдорининг кўп йиллик ўртача ойлик ва йиллик қийматлари уларнинг баландлик бўйича яққол ифодаланган ўзгаришини кўрсатди (3-жадвал) [Ўзбекистон ..., 2003, 2009, 2017, 2022]. Жадвалда келтирилган маълумотларнинг кўрсатишича, Қашқадарё вилоятининг чўл ҳудудларида кўп йиллик ўртача ҳисобда 180-250 мм, тоғли ҳудудларида эса 750 мм гача ёгинлар қайд этилади. Сурхондарё вилоятида ёгинлар миқдори бироз камроқ – 180 мм дан 480 мм гача. Ёгинларнинг асосий қисми совуқ ярим йилликда ёғади. Ёз мавсуми, айниқавгуст, текислик ҳудудларида ёгинларнинг амалда йўқлиги билан тавсифланади [Махмудов и др., 2024].

ERA5 базаси ёгинлар миқдорининг 1991-2020 йиллар учун реанализ маълумотлари асосида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳудудида кўп йиллик ўртача ёгинлар миқдорининг тақсимот картаси 2-расмда келтирилган [Махмудов и др., 2024]. 1-жадвал ва

2-расмда келтирилган маълумотларни қиёслаш, ERA5 реанализ маълумотлари ер усти кузатув маълумотларига нисбатан муайян фарқларга эга эканлигини кўрсатди.

3-жадвал

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида турли иқлимий даврларда кўп йиллик ўртача ойлик ва ўртача йиллик ёгинлар миқдори, мм
(1 – 1961-1990 йй., 2 – 1971-2000 йй., 3 – 1981-2010 йй., 4 – 1991-2020 йй.)

Таблица 3

Многолетние среднемесячные и среднегодовые количества осадков
в Кашкадарьинской и Сурхандарьинской областях
в различные климатические периоды, мм
(1 – 1961-1990 гг., 2 – 1971-2000 гг., 3 – 1981-2010 гг., 4 – 1991-2020 гг.)

Table 3

Long-term mean monthly and mean annual precipitation in Kashkadarya and Surkhandarya regions in different climatic periods, mm
(1 – 1961-1990, 2 – 1971-2000, 3 – 1981-2010, 4 – 1991-2020)


Станция	Давр	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII	Йил
Қашқадарё вилояти														
Муборак	1	27,9	25,0	38,8	26,9	9,9	1,5	1,4	0,1	0,7	7,3	13,3	23,8	176,6
	2	26,0	26,0	37,0	29,0	10,0	2,0	1,0	0,0	0,0	5,0	13,0	19,0	168,0
	3	29,5	27,1	37,7	28,4	13,8	1,6	0,8	0,3	0,3	1,0	4,4	16,4	186,3
	4	28,0	33,8	32,7	28,8	13,8	1,6	0,3	0,3	0,9	3,8	17,1	18,7	179,8
Қарши	1	36,0	31,6	59,7	36,0	17,1	1,3	0,6	0,1	1,0	11,2	18,2	31,4	244,2
	2	41,0	36,0	56,0	40,0	17,0	1,0	0,0	0,0	0,0	8,0	21,0	31,0	251,0
	3	32,5	35,9	52,5	32,6	19,3	1,7	0,8	0,1	1,5	5,4	21,9	32,9	237,1
	4	35,7	42,1	46,5	34,8	18,8	1,6	0,6	0,2	1,1	4,7	24,4	27,2	237,7
Чимкўрғон	1	50,2	45,9	82,2	56,6	22,5	2,3	1,0	0,0	1,7	16,3	26,7	44,9	350,3
	2	48,0	48,0	87,0	61,0	21,0	2,0	1,0	0,0	1,0	15,0	28,0	41,0	353,0
	3	48,3	55,3	77,9	48,1	28,0	3,7	1,0	0,4	2,4	10,5	34,0	52,0	361,6
	4	52,6	64,0	75,5	48,2	27,7	3,4	0,5	0,5	1,9	9,8	40,7	44,1	368,9
Ғузур	1	49,6	47,0	74,3	54,7	22,1	1,1	1,0	0,0	1,2	15,2	24,5	44,1	334,8
	2	51,0	50,0	74,0	51,0	20,0	2,0	1,0	0,0	0,0	10,0	25,0	42,0	326,0
	3	44,7	54,5	75,0	51,4	28,9	3,7	1,1	0,6	1,4	10,4	30,3	46,8	348,8
	4	43,3	56,3	71,1	49,0	27,0	3,3	0,6	0,6	0,9	9,0	34,7	39,5	335,3
Шаҳрисабз	1	70,7	72,9	108,8	86,4	32,9	3,2	1,2	0,2	3,3	26,7	40,2	68,0	514,5
	2	77,0	86,0	124,0	92,0	41,0	4,0	1,0	0,0	1,0	22,0	46,0	69,0	563,0
	3	68,2	81,4	102,2	80,9	40,2	7,9	1,7	0,9	3,9	20,1	49,0	72,5	528,9
	4	71,8	86,0	98,2	80,8	45,0	7,2	1,1	1,2	2,7	18,4	60,2	62,2	534,8
Дехқонобод	1	44,4	41,5	72,4	61,7	24,9	3,7	0,7	0,0	0,8	14,8	22,1	42,9	329,9
	2	45,0	48,0	74,0	59,0	29,0	3,0	0,0	1,0	1,0	11,0	25,0	39,0	335,0
	3	43,1	50,7	70,0	50,3	34,3	5,3	1,2	0,1	1,0	12,1	30,6	45,9	344,6
	4	43,3	54,7	72,0	53,8	40,5	5,4	0,9	0,3	0,7	11,1	38,3	41,3	362,3
Оқработ	1	53,9	54,9	89,9	84,0	39,7	5,9	2,3	0,1	1,6	15,5	27,7	50,1	425,6
	2	54,0	63,0	97,0	88,0	44,0	7,0	2,0	0,0	1,0	12,0	31,0	49,0	448,0
	3	53,6	62,3	82,6	71,1	48,1	9,5	2,7	2,5	2,4	14,1	34,0	51,3	434,2
	4	52,7	68,3	80,8	74,0	52,1	9,5	1,8	2,8	1,8	13,5	41,5	45,6	444,4
Мингчукур	1	85,8	91,0	133,2	112,7	51,3	8,8	6,7	0,5	3,6	32,2	44,7	85,5	656,0
	2	85,0	98,0	136,0	121,0	62,0	8,0	3,0	1,0	2,0	27,0	52,0	80,0	675,0
	3	86,5	97,7	125,3	95,2	62,8	16,0	7,3	2,4	5,1	26,3	65,1	93,6	683,3
	4	90,1	106,1	116,0	101,0	68,3	18,8	5,2	3,2	4,5	26,6	73,9	83,5	697,2
Кўл*	3	66,6	96,6	112,2	112,1	96,4	47,2	18,5	4,4	13,0	43,6	67,1	71,9	749,6
	4	72,3	91,4	109,7	117,6	97,8	39,8	15,4	5,0	11,7	48,5	66,5	66,8	742,5
Сурхондарё вилояти														
Термиз	1	23,4	20,2	37,7	26,2	9,8	0,8	0,1	0,0	0,1	3,3	8,8	17,4	147,8
	2	23,0	22,0	32,0	21,0	11,0	1,0	0,0	0,0	0,0	2,0	9,0	19,0	140,0
	3	24,3	23,7	36,4	23,5	9,5	1,5	0,2	0,0	0,5	3,2	11,1	20,5	154,4
	4	22,9	29,6	31,5	24,3	9,5	1,3	0,2	0,0	0,5	3,0	20,0	17,8	160,6

Станция	Давр	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII	Йил
Шеробод	1	32,3	28,4	46,4	27,6	10,2	0,8	0,5	0,0	0,1	5,4	11,3	23,7	186,7
	2	35,0	34,0	44,0	29,0	11,0	1,0	0,0	0,0	0,0	3,0	13,0	24,0	194,0
	3	35,7	32,3	49,2	28,8	14,2	5,2	0,2	0,6	0,3	5,1	14,5	30,3	216,4
	4	31,8	36,1	44,0	31,5	14,7	4,9	0,2	0,6	0,3	4,5	19,5	24,9	213,0
Шўрчи	1	44,7	39,9	68,7	43,3	16,1	0,8	0,2	0,0	0,5	9,7	18,9	33,9	276,7
	2	42,0	40,0	63,0	44,0	20,0	1,0	0,0	0,0	0,0	7,0	18,0	30,0	265,0
	3	44,8	46,8	67,0	39,3	24,0	4,1	0,8	0,0	0,9	7,6	22,1	42,4	299,8
	4	41,5	50,4	60,8	43,9	23,8	4,7	0,7	0,0	0,8	6,5	30,2	37,7	301,0
Денов	1	54,6	52,9	82,9	57,1	23,0	1,1	0,3	0,2	0,5	12,4	26,2	42,0	353,2
	2	56,0	52,0	79,0	63,0	32,0	3,0	0,0	0,0	0,0	8,0	28,0	42,0	363,0
	3	49,3	57,7	75,0	47,9	26,8	3,9	0,3	0,0	1,1	10,9	25,6	45,2	343,7
	4	44,7	59,3	66,2	51,3	28,5	4,7	0,4	0,1	1,0	11,1	34,4	44,5	346,2
Сариосиё*	4	39,1	62,2	62,7	58,8	28,3	4,0	0,8	0,4	0,6	11,4	40,8	33,9	343,0
Бойсун	1	61,2	58,4	96,6	87,9	44,1	4,8	4,4	1,2	1,4	15,7	25,5	53,2	454,4
	2	66,0	67,0	109,0	93,0	50,0	8,0	2,0	2,0	1,0	11,0	31,0	54,0	494,0
	3	56,9	65,6	89,8	68,4	45,8	13,1	5,8	1,4	2,6	14,2	30,8	55,9	450,3
	4	56,8	73,6	91,2	76,5	54,4	13,1	4,6	0,6	2,4	14,3	42,4	49,7	479,6

Изоҳ: Кўл* – 1- ва 2-давлар маълумотлари мавжуд эмас. Сариосиё* – 1-, 2- ва 3-давлар маълумотлари мавжуд эмас.

Примечание: Куль* – для периодов 1 и 2 данные отсутствуют. Сарыассия* – для периодов 1, 2 и 3 данные отсутствуют.

Note: Kul* – no data for periods 1 and 2. Saryassiya* – no data for periods 1, 2 and 3.




2-расм. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида 1991-2020 йй. даврида кўп йиллик ўртача ёғинлар миқдорининг тақсимоти (ERA5 маълумотлари асосида)

Рис. 2. Распределение многолетней среднегодовой суммы осадков в Кашкардарьинской и Сурхандарьинской областях в период 1991-2020 гг. (на основе данных ERA5)

Fig. 2. Distribution of long-term mean annual precipitation in Kashkadarya and Surkhandarya regions in the period 1991-2020. (based on ERA5 data)

ERA5 маълумотлари асосида ҳисобланган 1 ойлик SPI индекси қийматларининг таҳлили курғоқчилик даражаларининг нормал тақсимога эга эканлигини кўрсатди. Тадқиқ этилаётган даврда қиёслаш бажарилган 4 та станцияда 70,0% га яқин ҳолларда

меъёрга яқин намланиш даражаси қайд этилган. Экстремал намланиш ҳолатларининг такрорланувчанлиги бу станцияларнинг барчасида 1,4% ни ташкил этган бўлса, экстремал қурғоқчилик шароитлари 1,1-2,5% чегараларида қайд этилган.



3-расм. SPI 1 индекси бўйича намланиш даражаларининг такрорланувчанлиги, % (1991-2020 йй.)

а) Термиз, б) Бойсун, в) Шахрисабз, г) Мингчукур

Рис. 3. Повторяемость градаций увлажненности по индексу SPI 1, % (1991-2020 гг.)

а) Термез, б) Байсун, в) Шахрисабз, ж) Мингчукур

Fig. 3. Frequency of humidity gradations according to the SPI 1 index, % (1991-2020)

а) Termez, b) Baysun, c) Shakhrisabz, g) Mingchukur

Юқорида таъкидланганидек, SPI қиймати манфий бўлганида қурғоқчилик ҳодисаси содир бўлди деб ҳисобланади. Шу сабабли, 3-расмда марказдан чапда жойлашган тақсимот қурғоқчилик шароитларига мос келади. Давомийлигидан қатъий назар турли жадалликдаги қурғоқчилик ҳодисасининг такрорланиш эҳтимолликлари аниқланди (4-жадвал). 3-расмда келтирилган тақсимотга мувофиқ қурғоқчиликнинг кучсиз жадаллиги Термизда 100 та (3,6 ойда 1 марта), Бойсунда 134 та (2,7 ойда 1 марта), Шахрисабзда 122 та (3 ойда 1 марта) ва Мингчукурда 130 та (2,8 ойда 1 марта) ҳолатларда қайд этилган (жадвалда маҳраждаги маълумотлар). Ер усти кузатув маълумотлари асосида ҳисобланган SPI қийматларига кўра бу кўрсаткичлар муайян фарққа эга бўлиб, Термизда 122 та (3 ойда 1 марта), Бойсунда 128 та (2,8 ойда 1 марта), Шахрисабзда 135 та (3 ойда 1 марта) ва Мингчукурда 118 та (2,7 ойда 1 марта) ҳолатларда қайд этилган (жадвалда суратдаги маълумотлар). Қурғоқчиликнинг экстремал жадаллиги бўйича барча станцияларда бир хил кўрсаткич (5 та) қайд этилиб, у 6 йилда 1 марта такрорланиш эҳтимоллигига мос келади. Қурғоқчиликнинг мўътадил ва кучли жадалликлари бу станцияларда 10,9-30 ойда 1 марта такрорланишга эга.

Тадқиқ этилаётган 30 йилликда вегетация даври (март-октябрь) учун нам ва қурғоқчил ойлارнинг вақт давомидаги тақсимотини аниқлаш мақсадида ERA5 ҳамда Термиз, Бойсун, Шахрисабз ва Мингчукур метеорология станциялари кузатув маълумотлари асосида ҳисобланган 1 ойлик атмосфера ёғинлари ва SPI индекси қийматларининг йиллараро ўзгариш графиклари тузилди (4-7-расмлар). График

маълумотларининг таҳлили реанализ ва ер усти кузатув маълумотлари муайян қийматларга фарқ қилса-да, мос маълумотлар қаторлари орасидаги боғланишлар етарлича юқори эканлигини кўрсатди. Корреляция коэффициентлари, мос равишда ёгинлар миқдорлари бўйича 0,98, 0,96, 0,95 ва 0,98 ни, SPI индекси қийматлари бўйича 0,93, 0,83, 0,81 ва 0,90 ни ташкил этди.

4-жадвал

Қурғоқчиликнинг такрорланиш эҳтимоллиги (1991-2020 йй.)

Таблица 4


Вероятность повторения засухи (1991-2020 гг.)

Table 4

Probability of drought recurrence (1991-2020)

SPI 1	Қурғоқчилик даражаси	30 йил давомидаги холатлар сони	Қурғоқчилик эҳтимоллиги
		Ер усти/ERA5 маълумотлари асосида	
Термиз			
0 ÷ -0,99	Кучсиз	122/100	3 ой/3,6 ойда 1 марта
-1 ÷ -1,49	Мўътадил	18/24	20 ой/15 ойда 1 марта
-1,5 ÷ -1,99	Кучли	18/15	20 ой/24 ойда 1 марта
<-2	Экстремал	5/5	6 йил/6 йилда 1 марта
Бойсун			
0 ÷ -0,99	Кучсиз	128/134	2,8 ой/2,7 ойда 1 марта
-1 ÷ -1,49	Мўътадил	31/29	11,6 ой/12,4 ойда 1 марта
-1,5 ÷ -1,99	Кучли	16/13	22,5 ой/28 ойда 1 марта
<-2	Экстремал	5/5	6 йил/6 йилда 1 марта
Шахрисабз			
0 ÷ -0,99	Кучсиз	135/122	3 ой/3 ойда 1 марта
-1 ÷ -1,49	Мўътадил	27/29	10,9 ой/12,9 ойда 1 марта
-1,5 ÷ -1,99	Кучли	15/13	30 ой/27,7 ойда 1 марта
<-2	Экстремал	5/5	6 йил/6 йилда 1 марта
Мингчуқур			
0 ÷ -0,99	Кучсиз	118/130	2,7 ой/2,8 ойда 1 марта
-1 ÷ -1,49	Мўътадил	33/32	13,3 ой/11,3 ойда 1 марта
-1,5 ÷ -1,99	Кучли	12/12	24 ой/30 ойда 1 марта
<-2	Экстремал	5/5	6 йил/6 йилда 1 марта


Вегетация даврига кирувчи ойлар учун SPI 1 индекси қийматларининг йиллараро ўзгариш графиклари нам ва қурғоқчил йилларни аниқлаш ва улар учун SPI 1 индексининг тақсимот карталарини тузишга асос бўлди. 4-7-расмларда келтирилган график маълумотларига кўра, маълумотлари таҳлил қилинаётган метеорология станцияларининг барчасида 1992, 1993, 1998, 1999, 2002, 2009, 2010, 2016 ва 2019 йилларнинг аксарият ойлари нам, 2000, 2001, 2006, 2008, 2014, 2017 ва 2018 йилларнинг аксарият ойлари қурғоқчил бўлган. Нам йиллар қаторидан 1998 йил ва қурғоқчил йиллар қаторидан 2008 йил учун Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳудудларида ERA5 маълумотлари асосида тузилган SPI 1 индексининг тақсимот карталари 8-расмда келтирилган. Нам 1998 йилнинг баҳор-ёз мавсумларида бутун ҳудуд бўйлаб меъёрдан юқори намланиш қайд этилган бўлса, сентябрда Қашқадарёнинг чўл ҳудудлари ҳамда Сурхондарёнинг ғарби ва шаркида кучсиз қурғоқчилик, октябрда эса деярли бутун ҳудуд бўйлаб кучсиз ва мўътадил қурғоқчилик шароитлари шаклланган. Қурғоқчил 2008 йил март ва июнь ойларида ҳудудда мўътадилдан экстремалгача жадалликдаги қурғоқчилик кузатилган. Қолган ойларида меъёр атрофидаги ($-1 < SPI < 1$) намланиш шароитлари қайд этилган.



4-расм. Термизда SPI 1 индекснинг 1991-2020 йй. даги тақсироти: а) ер усти кузатув маълумотлари, б) ERA5 маълумотлари

Рис. 4. Распределение индекса SPI 1 в Термезе в 1991-2020 гг.: а) данные наземных наблюдений, б) данные ERA5


Fig. 4. Distribution of the SPI 1 index in Termez in 1991-2020: a) ground observation data, b) ERA5 data



5-расм. Бойсунда SPI 1 индекснинг 1991-2020 йй. даги тақсироти: а) ер усти кузатув маълумотлари, б) ERA5 маълумотлари


Рис. 5. Распределение индекса SPI 1 в Байсуне в 1991-2020 гг.: а) данные наземных наблюдений, б) данные ERA5

Fig. 5. Distribution of the SPI 1 index in Baysun in 1991-2020: a) ground observation data, b) ERA5 data




6-расм. Шахрисабзда SPI 1 индексининг 1991-2020 йй. даги тақсироти: а) ер усти кузатув маълумотлари, б) ERA5 маълумотлари
 Рис. 6. Распределение индекса SPI 1 в Шахрисабзе в 1991-2020 гг.: а) данные наземных наблюдений, б) данные ERA5

Fig. 6. Distribution of the SPI 1 index in Shakhrisabz in 1991-2020: а) ground observation data, б) ERA5 data



7-расм. Мингчукурда SPI 1 индексининг 1991-2020 йй. даги тақсироти: а) ер усти кузатув маълумотлари, б) ERA5 маълумотлари
 Рис. 7. Распределение индекса SPI 1 в Мингчукуре в 1991-2020 гг.: а) данные наземных наблюдений, б) данные ERA5

Fig. 7. Distribution of the SPI 1 index in Mingshukur in 1991-2020: а) ground observation data, б) ERA5 data




8-расм. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида SPI 1 индексининг тақсироти
 а) нам 1998 йил, б) қурғоқчил 2008 йил

Рис. 8. Распределение индекса SPI 1 в Кашкадарьинской и Сурхандарьинской
 областях
 а) влажный 1998 год, б) сухой 2008 год

Fig. 8. Distribution of the SPI 1 index in Kashkadarya and Surkhondarya regions
 a) wet 1998, b) dry 2008

ERA5 маълумотлари асосида SPI индексининг 3 ойлик (декабрь-февраль (DJF), март-май (MAM), июнь-август (JJA), сентябрь-ноябрь (SON)) қийматлари ҳам ҳисобланди (9-расм). Тадқиқ этилган 30 йиллик даврда барча мавсумлар учун қурғоқчилик даражаларининг таҳлили, 1 ойлик SPI индекси учун бўлгани каби, уларнинг нормал тақсимотга эга эканлигини кўрсатди. Барча мавсумларда меъёрга яқин намланиш даражаси Термизда 69,0%-72,4%, Бойсунда 62,1%-79,3%, Шаҳрисабзда 65,5%-72,4% ва Мингчукурда 60,7%-78,6% ҳолларда қайд этилган. Бу станцияларнинг барчасида экстремал намланиш ҳолатларининг такрорланувчанлиги 3,4% дан, экстремал қурғоқчилик шароитларининг такрорланувчанлиги эса 13,8% дан ошмайди. Таъкидлаш жоизки, Мингчукурда экстремал намланиш ва экстремал қурғоқчилик ҳолатлари умуман қайд этилмаган.



9-расм. SPI 3 индекси бўйича қурғоқчилик даражаларининг такрорланувчанлиги, % (1991-2020 йй.)

а) Термиз, б) Бойсун, в) Шаҳрисабз, г) Мингчукур

Рис. 9. Повторяемость градаций увлажненности по индексу SPI 3, % (1991-2020 гг.)

а) Термез, б) Байсун, в) Шахрисабз, ж) Мингчукур

Fig. 9. Repeatability of humidity gradations according to the SPI 3 index, % (1991-2020)

а) Termez, б) Baysun, в) Shakhrisabz, г) Mingchukur

ERA5 маълумотлари асосида ҳисобланган SPI индекси бўйича турли жадалликдаги қурғоқчилик ҳодисасининг такрорланиш эҳтимолликлари қурғоқчиликнинг кучсиз жадаллиги устуворлик қилишини кўрсатди (5-жадвал). Термизда бу жадалликдаги қурғоқчилик 2,7-3 йилда 1 марта, Бойсунда 1,3-7,5 йилда 1 марта, Шаҳрисабзда 2,3-3,8 йилда 1 марта, Мингчукурда эса 2,1-3,8 йилда 1 марта қайд этилган. Экстремал жадалликдаги қурғоқчилик Термизда фақат қиш ва ёзда 30 йилда 1 марта, Бойсунда фақат баҳорда 7,5 йилда 1 марта, Шаҳрисабзда қиш ва баҳорда 15 ва 30 йилда 1 марта такрорланган. Кучли жадалликдаги қурғоқчиликнинг такрорланиш эҳтимолликлари Термизда қиш ва баҳорда мос равишда 15 ва 10 йилда 1 марта, Бойсунда ёз мавсумида 15 йилда 1 марта, Шаҳрисабзда қиш ва баҳорда мос равишда 30 ва 15 йилда 1 марта такрорланган бўлса, Мингчукурда қурғоқчиликнинг бу даражаси қиш, баҳор, ёз

ва куз мавсумларида мос равишда 15, 30, 15 ва 15 йилда 1 мартадан такрорланиш эҳтимоллигига эга.

5-жадвал

Қурғоқчиликнинг такрорланиш эҳтимоллиги (1991-2020 йй.)

Таблица 5

Вероятность повторения засухи (1991-2020 гг.)


Table 5

Probability of drought recurrence (1991-2020)

SPI 3	Қурғоқчилик даражаси	30 йил давомидаги ҳолатлар сони				Қурғоқчилик эҳтимоллиги (n йилда 1 марта)			
		DJF	MAM	JJA	SON	DJF	MAM	JJA	SON
Термиз									
0 ÷ -0,99	Кучсиз	11	10	10	10	2,7	3	3	3
-1 ÷ -1,49	Мўътадил	1	2	4	6	30	15	7,5	5
-1,5 ÷ -1,99	Кучли	2	3	0	0	15	10	-	-
<-2	Экстремал	1	0	1	0	30	-	30	-
Бойсун									
0 ÷ -0,99	Кучсиз	7	4	24	14	4,3	7,5	1,3	2,1
-1 ÷ -1,49	Мўътадил	6	2	3	2	5	15	10	15
-1,5 ÷ -1,99	Кучли	0	0	2	0	-	-	15	-
<-2	Экстремал	0	4	0	0	-	7,5	-	-
Шаҳрисабз									
0 ÷ -0,99	Кучсиз	10	8	13	12	3	3,8	2,3	2,5
-1 ÷ -1,49	Мўътадил	2	3	4	5	15	10	7,5	6
-1,5 ÷ -1,99	Кучли	1	2	0	0	30	15	-	-
<-2	Экстремал	2	1	0	0	15	30	-	-
Мингчуқур									
0 ÷ -0,99	Кучсиз	8	14	9	11	3,8	2,1	3,3	2,7
-1 ÷ -1,49	Мўътадил	3	2	3	2	10	15	10	15
-1,5 ÷ -1,99	Кучли	2	1	2	2	15	30	15	15
<-2	Экстремал	0	0	0	0	-	-	-	-


Қиёсий таҳлил бажарилаётган станцияларда йил мавсумларига мос келувчи 3 ойлик атмосфера ёғинлари ва ҳамда ERA5 ва ер усти кузатув маълумотлари асосида ҳисобланган SPI 3 индекси қийматларининг йиллараро ўзгариш графиклари 10-13-расмларда келтирилган. Ёғинлар миқдорларининг реанализ ва ер усти кузатув маълумотлари орасидаги корреляция коэффициентлари Термиз ва Бойсун учун 0,95, Шаҳрисабз учун 0,98 ва Мингчуқур учун 0,99 ни, SPI 3 индекси қийматлари бўйича мос равишда 0,96, 0,95, 0,99 ва 0,98 ни ташкил этди.

10-13-расмлардаги график маълумотларининг таҳлили асосида нам ва қурғоқчил бўлган йиллар аниқланди ҳамда нам 1998 йил ва қурғоқчил 2000 йил учун тадқиқ этилаётган ҳудудда ERA5 маълумотлари асосида тузилган SPI 3 индексининг тақсимот карталари тузилди (14-расм). Нам бўлган йиллар қаторига кирувчи 1998 йилнинг қиш, баҳор ва ёз мавсумларида бутун ҳудуд бўйлаб меъёрдан юқори намланиш қайд этилган. Куз мавсуми эса кучсиз ва мўътадил қурғоқчилик билан тавсифланади. 2000 йилнинг қиш ва баҳор мавсумлари ҳудудда мўътадилдан экстремалгача бўлган қурғоқчилик шароитлари, ёз мавсуми кучсиз ва мўътадил қурғоқчилик, куз эса кучсиз намланиш билан тавсифланади.




10-расм. Термизда SPI 3 индекснинг 1991-2020 йй. даги тақсими: а) ер усти кузагув маълумотлари, б) ERA5 маълумотлари
 Рис. 10. Распределение индекса SPI 3 в Термезе в 1991-2020 гг.: а) данные наземных наблюдений, б) данные ERA5

Fig. 10. Distribution of the SPI 3 index in Termez in 1991-2020: a) ground observation data, b) ERA5 data



11-расм. Байсунда SPI 3 индекснинг 1991-2020 йй. даги тақсими: а) ер усти кузагув маълумотлари, б) ERA5 маълумотлари
 Рис. 11. Распределение индекса SPI 3 в Байсуне в 1991-2020 гг.: а) данные наземных наблюдений, б) данные ERA5


Fig. 11. Distribution of the SPI 3 index in Baysun in 1991-2020: a) ground observation data, b) ERA5 data



12-расм. Шахрисабзда SPI 3 индекснинг 1991-2020 йй. даги тақсироти: а) ер усти кузагув маълумотлари, б) ERA5 маълумотлари

Рис. 12. Распределение индекса SPI 3 в Шахрисабзе в 1991-2020 гг.: а) данные наземных наблюдений, б) данные ERA5


Fig. 12. Distribution of the SPI 3 index in Shakhrisabz in 1991-2020: a) ground observation data, b) ERA5 data



13-расм. Мингчукурда SPI 3 индекснинг 1991-2020 йй. даги тақсироти: а) ер усти кузагув маълумотлари, б) ERA5 маълумотлари

Рис. 13. Распределение индекса SPI 3 в Мингчукуре в 1991-2020 гг.: а) данные наземных наблюдений, б) данные ERA5

Fig. 13. Distribution of the SPI 3 index in Mingchukur in 1991-2020: a) ground observation data, b) ERA5 data



14-расм. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида SPI 3 индексининг тақсимоти
а) нам 1998 йил, б) қурғоқчил 2000 йил

Рис. 14. Распределение индекса SPI 3 в Кашкадарьинской и Сурхандарьинской областях
а) влажный 1998 год, б) сухой 2000 год

Fig. 14. Distribution of the SPI 3 index in Kashkadarya and Surkhondarya regions
a) wet 1998, b) dry 2000

Турли вақт оралиқлари учун SPI индексининг М.Л.Арушанов ва Г.Ш.Эшмуратовалар томонидан аниқланган кўп йиллик ўртача тақсимоти Ўзбекистоннинг айрим ҳудудларида совуқ ярим йилликда ўта катта экстремал намланиш (SPI қиймати 12 гача), илиқ ярим йилликда эса экстремал қурғоқчилик (SPI қиймати -2 дан кичик) кузатилишини кўрсатган [Арушанов, Эшмуратова, 2022]. Бизнинг тадқиқотларимиз эса ўрганилаётган 30 йиллик даврда алоҳида вақт оралиқлари учун SPI индексини кўп йиллик ўртачалаш натижалари 0 га яқин қийматларни ташкил этишини кўрсатди.

Тадқиқот сўнгида таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистоннинг аксарият ҳудудлари каби жанубий вилоятлари ҳам ёз ва куз мавсумларида ёғинларнинг ўта камлиги билан тавсифланади. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг текислик ҳудудларида июль-сентябрь даврида ёғинлар умуман қайд этилмайди. SPI индекси ёғинлар миқдори ўта катта ва ўта кичик бўлган ҳудудлар учун бир хил намланиш даражаларини кўрсатиши инobatга олинса, мазкур вилоятларнинг дарё оқими шаклланадиган тоғли ҳудудларида бу индекс фойдаланиш учун яроқли, суғориладиган майдонларида эса индексдан фойдаланиш самарадорлиги паст, деб ҳисоблаш мумкин.

Хулоса. Бажарилган тадқиқот натижаларига асосланиб қуйидаги хулоса ва тавсияларни бериш мумкин.

1. Термиз, Бойсун, Шаҳрисабз ва Мингчукур учун атмосфера ёғинларининг ERA5 реанализ базаси ва ер усти кузатув маълумотлари қаторлари орасидаги боғланишлар етарлича юқори эканлиги аниқланди. Март-октябрь даври учун кўп йиллик ўртача ойлик ёғинлар миқдорлари учун корреляция коэффицентлари, мос равишда 0,98, 0,96, 0,95 ва 0,98 ни, мавсумлар учун эса Термиз ва Бойсунда 0,95, Шаҳрисабзда 0,98 ва Мингчукурда 0,99 ни ташкил этди. 1 ойлик SPI индекси қийматлари бўйича корреляция коэффицентлари, мос равишда 0,93, 0,83, 0,81 ва 0,90, мавсумлар бўйича эса, мос равишда 0,96, 0,95, 0,99 ва 0,98 га тенг бўлди. Бу ҳолат ҳамда бир қатор илмий

адабиётларда олинган натижалар қурғоқчиликнинг ҳудудий тақсмотини тадқиқ этишда ERA5 реанализ базаси маълумотларидан фойдаланиш учун асос бўлди.

2. Термиз, Бойсун, Шаҳрисабз ва Мингчуқур жойлашган координаталар учун ERA5 маълумотлари асосида ҳисобланган 1 ва 3 ойлик SPI индекси қийматлари қурғоқчилик даражаларининг нормал тақсмотга эга эканлигини кўрсатди. 1991-2020 йилларни қамраб олувчи сўнгги 30 йиллик иқлимий даврда 1 ойлик SPI индекси бўйича 70,0% атрофидаги ҳолатларда, 3 ойлик SPI индекси бўйича эса 62,0%-68,0% ҳолатларда меъёрга яқин намланиш даражаси қайд этилган. Экстремал намланиш ва қурғоқчилик даражаларининг такрорланувчанлиги, мос равишда 2,5% ва 1,4% дан ортмайди. Давомийлигидан қатъий назар 1 ойлик SPI индекси қийматлари бўйича кучсиз қурғоқчиликнинг такрорланиш эҳтимоллиги ўртача 3 ойда 1 марта, экстремал қурғоқчиликнинг такрорланиш эҳтимоллиги эса 6 йилда 1 мартани ташкил этди. 3 ойлик мавсумлар бўйича кучсиз қурғоқчилик ўртача 8-10 ойда 1 марта, экстремал қурғоқчилик эса 15 йилда бир марта такрорланиш эҳтимоллигига эга эканлиги аниқланди.

3. Бажарилган таҳлилларга кўра, алоҳида вақт оралиқлари учун SPI индекси қийматларини кўп йиллик ўртачалаш меъёрга яқин намланиш даражасини кўрсатди. Шу сабабли SPI индекси бўйича қурғоқчилик тақсмотини карталаштиришда баҳолаш бажарилаётган вақт оралиқларининг ҳар бири учун алоҳида карталарни тузиш тавсия этилади.

4. SPI индексидан фойдаланишнинг содда ва қулайлиги, ёғинлар миқдори кам бўлган суғорма деҳқончилик юритиладиган минтақаларда қурғоқчиликни баҳолашда уни қўллаш оптимал эканлигини аниқламайди. Шу сабабли бундай минтақалар учун бошқа қурғоқчилик индексларидан фойдаланиш тавсия этилади.

Миннатдорчиликлар. Тадқиқот Инновацион ривожланиш агентлигининг молиявий кўмагида бажарилаётган АЛ-5721122072 «Қишлоқ хўжалиги, сув ва энергия ресурсларини барқарор ривожлантириш учун ер усти кузатувлари ва геостационар метеорологик сунъий йўлдошлардан олинган қуёш радиацияси маълумотларидан комплекс фойдаланиш» ва «Иқлимнинг даврийлиги ва аномаллигини инобатга олган ҳолда узлуксиз энергия таъминотида фотоэлектрик тизимларни режалаштириш учун қуёш радиациясининг ўзгаришини квазиреал вақт оралиғида баҳолаш ва башоратлашнинг математик моделини ишлаб чиқиш» лойиҳалари доирасида амалга оширилди.

Муаллифлар ҳиссаси. **Б.М. Холматжанов:** мақола ғояси, раҳбарлик, натижалар таҳлили. **И.М. Махмудов, Ф.Б. Сафаров, С.У. Бегматов:** маълумотлар базасини шакллантириш, натижалар таҳлили, мақола матнини ёзиш, мақолани расмийлаштириш. **Д.Ў. Ярашев:** SPI индексини ҳисоблаш, натижалар таҳлили, карталаштириш. **Д.Б. Истамов:** SPI индексини ҳисоблаш дастурини ёзиш. Барча муаллифлар қўлзўманнинг нашрга тавсия этилган шаклини ўқиб чиқдилар ва ўз розилигини билдирдилар.

АДАБИЁТЛАР

Арушанов М.Л., Вдовенко А.И. Разложения полей аномалий среднемесячной температуры по естественным ортогональным функциям с использованием данных реанализа на территории Узбекистана и сопредельных стран // Гидрометеорология и мониторинг окружающей среды, №2, 2022. – С. 8-21.

Арушанов М.Л., Рахматова Н.И. Простой метод расчёта индекса засухливости SPI на основе аппроксимации кубическим полиномом эмпирической функции частоты распределения осадков / Географическая наука Узбекистана и России: общие проблемы, потенциал и перспективы сотрудничества. Матер. межд. науч.-практ. конф. – Ташкент. 13-19 мая, 2019. – С. 44-47.

Арушанов М.Л., Эшмуратова Г.Ш. Мониторинг атмосферной засушливости на основе расчёта модифицированного индекса SPI на территории Узбекистана // Центральноеазиатский журнал географических исследований, № 3-4, 2022. – С. 50-57.

Махмудов И.М., Бегматов С.У., Ярашев Д.У., Холматжанов Б.М. Пространственное распределение температуры воздуха и количества осадков на юге Узбекистана в период 1991-2020 гг. // Экономика и социум, №2(117), 2024. – С. 1-8.

Рахимов Э.Ю., Омонов Б.Ю., Холматжанов Б.М., Абдикулов Ф.И., Бегматов С.У., Махмудов И.М. Ўзбекистонда NASA POWER ва ERA5 базалари ҳаво ҳарорати маълумотларидан фойдаланиш имкониятлари // Гидрометеорология ва атроф-муҳит мониторинги, №3, 2023. – Б. 8-20.

Рахмонов К.Р., Умирзаков Ф.Ў., Рапиқов Б.Р. Иқлим ўзгаришининг метеорологик қурғоқчиликка таъсирини баҳолаш (Чирчиқ дарёси ҳавзаси мисолида) // Гидрометеорология ва атроф-муҳит мониторинги, №3, 2022. – Б. 43-51.

Русин И.Н. Стихийные бедствия и возможности их прогноза. – С-Пб.: РГГМУ, 2003. – 140 с.

Умирзаков Ф.Ў., Рахмонов К.Р., Омонов Н.О. Метеорологик ва гидрологик қурғоқчиликлар орасидаги боғланишларни статистик баҳолаш // Гидрометеорология ва атроф-муҳит мониторинги, №4, 2021. – Б. 52-62.

Уткузова Д.Н., Хан В.М., Вильфанд Р.М. Статистический анализ эпизодов экстремальной засушливости и увлажненности на территории РФ // Оптика атмосферы и океана, 28, № 1, 2015. – С. 66-79.

Холматжанов Б.М., Омонов Б.Ю., Истамов Д.Б., Бегматов С.У., Махмудов И.М., Сафаров Ф.Б., Ахмуратова Б.Х., Охунов Р.З. Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари учун ERA5 базаси ва ер усти кузатувлари бўйича шудринг нуқтаси ҳарорати маълумотларини верификациялаш // Гидрометеорология ва атроф-муҳит мониторинги, №4, 2023. – Б. 8-19.

Ўзбекистон Республикаси станциялари бўйича ўртача кўп йиллик метеоэлементлар қийматлари (1961-1990 йй. даври учун). – Тошкент: Ўзгидромет, 2003. – 17 б.

Ўзбекистон Республикаси станциялари бўйича ўртача кўп йиллик метеоэлементлар қийматлари (1971-2000 йй. даври учун). – Тошкент: Ўзгидромет, 2009. – 110 б.

Ўзбекистон Республикаси станциялари бўйича ўртача кўп йиллик метеоэлементлар қийматлари (1981-2010 йй. даври учун). – Тошкент: Ўзгидромет, 2017. – 30 б.

Ўзбекистон Республикаси станциялари бўйича ўртача кўп йиллик метеоэлементлар қийматлари (1991-2020 йй. даври учун). – Тошкент: Ўзгидромет, 2022. – 70 б.

Byun H.R., Wilhite D.A. Daily quantification of drought severity and duration // Journal of Climate, 1999. 12(9):2747-2756. DOI: 10.1175/1520-0442(1999)012<2747:OQODSA> 2.0.CO;2.

Hayes M., Svoboda M., Wall N., Widhalm M. The Lincoln Declaration On Drought Indices: Universal Meteorological Drought Index Recommended // Bulliten of American Meteorological Society, 2011. 92(4):485-488. <https://doi.org/10.1175/2010BAMS3103.1>.

Hu Z., Zhang C., Hu Q., Tian H. Temperature Changes in Central Asia from 1979 to 2011 Based on Multiple Datasets // J. Clim., 27, 2014. – PP. 1143-1167.

McKee T.B., Doesken N.J., Kleist J. The Relationship of Drought Frequency and Duration to Time Scales / Proceedings of the 8th Conference on Applied Climatology, 17-22 January 1993, Anaheim, CA. Boston, MA, American Meteorological Society.

Rakhmatova N., Arushanov M., Shardakova L., Nishonov B., Taryannikova R., Rakhmatova V., Belikov D.A. Evaluation of the Perspective of ERA-Interim and ERA5 Reanalyses for Calculation of Drought Indicators for Uzbekistan // Atmosphere, 12(5):527. 2021. <https://doi.org/10.3390/atmos12050527>.

World Meteorological Organization (WMO) and Global Water Partnership (GWP): Handbook of Drought Indicators and Indices (M. Svoboda and B.A. Fuchs). Integrated Drought Management Programme (IDMP), Integrated Drought Management Tools and Guidelines. Series 2. Geneva. WMO – No. 1173. 2016. – 45 p.

World Meteorological Organization (WMO): Standardized Precipitation Index User Guide. WMO – No. 1090. 2012. – 18 p.

Электрон манбалар:

CRAN Package Check Results for Package SPI. URL: https://cran-archive.r-project.org/web/checks/2021/2021-02-15_check_results_spi.html

National Drought Mitigation Center (2018). SPI Generator [software]. University of Nebraska–Lincoln. URL: <https://drought.unl.edu/Monitoring/SPI/SPIProgram.aspx>

Welcome to the Climate Data Store. URL: <https://cds.climate.copernicus.eu/cdsapp#!/home/>

ОЦЕНКА ИЗМЕНЕНИЯ МЕТЕОРОЛОГИЧЕСКОЙ ЗАСУХИ ВО ВРЕМЕНИ НА ЮГЕ УЗБЕКИСТАНЕ НА ОСНОВЕ ИНДЕКСА SPI

Б.М. ХОЛМАТЖАНОВ^{1,2}, И.М. МАХМУДОВ², Ф.Б. САФАРОВ³,
С.У. БЕГМАТОВ², Д.Ў. ЯРАШЕВ², Д.Б. ИСТАМОВ^{1,4}

¹ Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека, b.xolmatjanov@nuu.uz

² Научно-исследовательский гидрометеорологический институт, sardor0752@gmail.com

³ Агентство гидрометеорологической службы, sfazizbek@gmail.com

⁴ Физико-технический институт Академии наук Республики Узбекистан, istamov@uzsci.net

Аннотация. В статье на основе индекса SPI оценены статистические показатели 1- и 3-х месячной метеорологической засухи на юге Узбекистана – Кашкадарьинской и Сурхандарьинской областях в период 1991-2020 гг. и изучено ее пространственное распределение. В исследовании использовались данные об атмосферных осадках 15 метеорологических станций, расположенных в регионе и базы данных реанализа ERA5 Европейского центра среднесрочных прогнозов погоды. Результаты оценки совместимости рядов наблюдений Термеза и Шахрисябза, расположенных на орошаемых территориях и Мингчукура и Байсуна, расположенных в горных районах с данными реанализа показали, что в период март-октябрь коэффициенты корреляции для многолетних средних 1-месячных сумм осадков составляют 0,98, 0,96, 0,95 и 0,98, соответственно, а для 3-х месячных сезонов – 0,95 в Термезе и Байсуне, 0,98 в Шахрисябзе и 0,99 в Мингчукуре. 1- и 3-х месячные степени увлажненности, рассчитанные на основе данных ERA5, имеют нормальное распределение. Установлено, что по 1-месячным индексам SPI степень увлажненности, близкая к норме, регистрируется в 70,0% случаев, по 3-х месячным индексам в 62,0%-68,0% случаев, а повторяемость экстремальной засухи не превышает 1,4% и 2,5%, соответственно. На основе графиков межгодового изменения индекса SPI выделены влажные и засушливые годы, составлены карты распределения 1-месячного индекса SPI для 1998 и 2008 годов и 3-х месячного индекса SPI для 1998 и 2000 годов.

Ключевые слова: количество осадков, ERA5, засуха, SPI, Кашкадарья, Сурхандарья.

ASSESSMENT OF CHANGES IN METEOROLOGICAL DROUGHT OVER TIME IN SOUTHERN UZBEKISTAN BASED ON THE SPI INDEX

Б.М. KHOLMATJANOV^{1,2}, И.М. MAKHMUDOV², Ф.Б. SAFAROV³,
С.У. BEGMATOV², Д.У. YARASHEV², Д.Б. ISTAMOV⁴

¹ National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek, b.xolmatjanov@nuu.uz

² Hydrometeorological Research Institute, sardor0752@gmail.com

³ Agency of Hydrometeorological Service, sfazizbek@gmail.com

⁴ Institute of Physics and Technics of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, istamov@uzsci.net

Abstract. The article, based on the SPI index, evaluates the statistical indicators of 1 and 3 month meteorological drought in the south of Uzbekistan - Kashkadarya and Surkhandarya regions in the period 1991-2020, and its spatial distribution was studied. The study used precipitation data from

15 meteorological stations located in the region and the ERA5 reanalysis database of the European Center for Medium-Range Weather Forecasts. The results of assessing the compatibility of observation series of Termez and Shakhriyabz, located in irrigated areas, and Mingchukur and Baysun, located in mountainous areas, with reanalysis data showed that in the period March-October, the correlation coefficients for long-term average 1 month precipitation amounts are 0.98, 0.96, 0.95 and 0.98, respectively, and for 3 month seasons - 0.95 in Termez and Baysun, 0.98 in Shakhriyabz and 0.99 in Mingchukur. The 1 and 3 month moisture levels calculated from ERA5 data are normally distributed. It has been established that according to 1 month SPI indices, the degree of moisture close to normal is recorded in 70.0% of cases, according to 3 month indices in 62.0%-68.0% cases, and the frequency of extreme drought does not exceed 1.4% and 2.5%, respectively. Based on graphs of interannual changes in the SPI index, wet and dry years were identified, distribution maps of the 1 month SPI index for 1998 and 2008 and the 3 month SPI index for 1998 and 2000 were compiled.

Keywords: precipitation, ERA5, drought, SPI, Kashkadarya, Surkhandarya.

REFERENCES

Arushanov M.L., Vdovenko A.I. Razlojaniya poley anomalii srednemesyachnoy temperaturi po yestestvennym ortogonalnim funktsiyam s ispolzovaniyem dannih reanaliza na territorii Uzbekistana i sopredelnih stran [Expansions of anomal fields of the monthly mean temperature in natural orthogonal functions using reanalysis data on the territory of Uzbekistan and neighboring countries] // *Gidrometeorologiya i monitoring okrujayushchey sredy*, №2, 2022. – S. 8-21. (in Russian)

Arushanov M.L., Rakhmatova N.I. Prostoy metod raschyota indeksa zasushlivosti SPI na osnove approksimatsii kubicheskim polinomom empiricheskoy funktsii chastoti raspredeleniya osadkov [A simple method for calculating the aridity index SPI based on a cubic polynomial approximation of the empirical frequency distribution function of precipitation] / *Geograficheskaya nauka Uzbekistana i Rossii: obshiyeh problemi, potentsial i perspektivi sotrudnichestva. Mater. mejd. nauch.-prak. konf.* – Tashkent. 13-19 maya, 2019. – S. 44-47. (in Russian)

Arushanov M.L., Eshmuratova G.Sh. Monitoring atmosfernoy zasushlivosti na osnove raschyota modifitsirovannogo indeksa SPI na territorii Uzbekistana [Monitoring of atmospheric dryity based on the calculation of the modified spi index on the territory of Uzbekistan] // *Sentralnoaziatskiy jurnal geograficheskikh issledovaniy*, № 3-4, 2022. – S. 50-57. (in Russian)

Makhmudov I.M., Begmatov S.U., Yarashev D.U., Kholmatjanov B.M. Prostranstvennoe raspredelenie temperaturi vozduha i kolichestva osadkov na yuge Uzbekistana v period 1991-2020 gg. [Spatial distribution of air temperature and precipitation in the Southern Uzbekistan in the period 1991-2020] // *Ekonomika i sotsium*, №2(117), 2024. – S. 1-8. (in Russian)

Rakhimov E.Yu., Omonov B.Yu., Kholmatjanov B.M., Abdikulov F.I., Begmatov S.U., Makhmudov I.M. Ozbekistonda NASA POWER va ERA5 bazalari havo harorati malumotlaridan foydalanish imkoniyatlari [Possibilities of using air temperature data from NASA POWER and ERA5 bases in Uzbekistan] // *Gidrometeorologiya va atrof-muhit monitoringi*, №3, 2023. – B. 8-20. (in Uzbek)

Rakhmonov K.R., Umirzakov G.U., Rapikov B.R. Iklm ozgarishining meteorologik kurgokchilikka tasirini baholash (Chirchik, daryosi havzasi misolida) [Assessment of the impact of climate change on meteorological drought (on example of the Chirchik River basin)] // *Gidrometeorologiya va atrof-muhit monitoringi*, №3, 2022. – B. 43-51. (in Uzbek)

Rusin I.N. Stihiyaniye bedstviya i vozmojnosti ih prognoza [Natural disasters and the possibilities of their forecast]. – S-Pb.: RGGMU, 2003. – 140 s. (in Russian)

Umirzakov G.U., Rakhmonov K.R., Omonov N.O. Meteorologik va gidrologik kurgokchiliklar orasidagi boglanishlarni statistik baholash [Statistical assessment of the correlations between meteorological and hydrological drought] // *Gidrometeorologiya va atrof-muhit monitoringi*, №4, 2021. – B. 52-62. (in Uzbek)

Utkuzova D.N., Khan V.M., Vilfand R.M. Statisticheskii analiz epizodov ekstremalnoy zasushlivosti i uvlajnenosti na territorii RF [Statistical analysis of extreme drought and wet conditions in the Russian Federation] // *Optika atmosferi i okeana*, 28, № 1, 2015. – S. 66-79. (in Russian)

Kholmatjanov B.M., Omonov B.Yu., Istamov D.B., Begmatov S.U., Makhmudov I.M., Safarov F.B., Akhmuratova B.Kh., Okhunov R.Z. Korakalpogiston Respublikasi, Jizzah, Kashkadaryo va Surkhondaryo viloyatlari uchun ERA5 bazasi va yer usti kuzatuvlari bo'yicha shudring nuktasi harorati malumotlarini verifikatsiyalash [Verification of ground measurement data of dew point temperature with ERA5 base data for the Republic of Karakalpakstan, Jizzakh, Kashkadarya and Surkhandarya regions] // *Gidrometeorologiya va atrof-muhit monitoringi*, №4, 2023. – B. 8-19. (in Uzbek)

Ozbekiston Respublikasi stantsiyalari bo'yicha ortacha kop yillik meteoelementlar qiymatlari (1961-1990 yy. davri uchun) [Average multi-year meteorological elements values for the stations of the Republic of Uzbekistan (for the period 1961-1990)]. – Toshkent: Ozgidromet, 2003. – 17 b. (in Uzbek)

Ozbekiston Respublikasi stantsiyalari bo'yicha ortacha kop yillik meteoelementlar qiymatlari (1971-2000 yy. davri uchun) [Average multi-year meteorological elements values for the stations of the Republic of Uzbekistan (for the period 1971-2000)]. – Toshkent: Ozgidromet, 2009. – 110 b. (in Uzbek)

Ozbekiston Respublikasi stantsiyalari bo'yicha ortacha kop yillik meteoelementlar qiymatlari (1981-2010 yy. davri uchun) [Average multi-year meteorological elements values for the stations of the Republic of Uzbekistan (for the period 1981-2010)]. – Toshkent: Ozgidromet, 2017. – 30 b. (in Uzbek)

Ozbekiston Respublikasi stantsiyalari bo'yicha ortacha kop yillik meteoelementlar qiymatlari (1991-2020 yy. davri uchun) [Average multi-year meteorological elements values for the stations of the Republic of Uzbekistan (for the period 1991-2020)]. – Toshkent: Ozgidromet, 2022. – 70 b. (in Uzbek)

Electronic resources:

CRAN Package Check Results for Package spi. URL: https://cran-archive.r-project.org/web/checks/2021/2021-02-15_check_results_spi.html

National Drought Mitigation Center (2018). SPI Generator [software]. University of Nebraska–Lincoln. URL: <https://drought.unl.edu/Monitoring/SPI/SPIProgram.aspx>

Welcome to the Climate Data Store. URL: <https://cds.climate.copernicus.eu/cdsapp#!/home/>

УДК 551.583

ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ШАРОИТИДА НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА ЁҒИН МИҚДОРИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

М.Р. ҚОРИЕВ^{1*}

¹ Наманган давлат университети, qoriyevmirzohid@mail.ru

Аннотация. Мақолада глобал иқлим ўзгариши шароитида Наманган вилоятида ёгин миқдоридagi ўзгаришлар таҳлил қилинган. Ёгин миқдоридagi ўзгаришларни баҳолаш тўғри чизиқли трендни ҳисоблаш усули орқали амалга оширилган. Таҳлиллар Наманган ва Поп метеорология станцияларининг 1951-2022 йиллардаги ўртача ойлик ва йиллик ёгин миқдори маълумотлари асосида амалга оширилган.

Калит сўзлар: глобал иқлим ўзгариши, ёгин миқдори, тўғри чизиқ тенграмаси, тренд қийматлари, хронологик графиклар.

Кириш. Глобал иқлим ўзгариши натижасида Ер юзасининг турли минтақаларида ёгин миқдори, уни йил ичи тақсимоти, турлари ва бошқа жиҳатлари бўйича сезиларли ўзгаришлар кузатилмоқда. Айрим минтақаларда ёгин миқдори ортса, айримларида эса камаймоқда. Ёгин миқдорининг йил ичидаги тақсимотида ҳам ўзгаришлар кузатилиб, бу борада ҳам салбий ҳолатлар, яъни нотекис тақсимотнинг кескинлашуви кучайиб бормоқда. Натижада жала ёгинларининг сони одатдагидан ортмоқда, қурғоқчилик

* Масъул муаллиф: qoriyevmirzohid@mail.ru, тел.: +998 93 056-60-26

жараёнлари эса кучайиб бормоқда. Олиб борилаётган тадқиқотлар ушбу фикрларни тасдиқлайди. Жумладан, Ш.А.Халиллаев ва Б.Т.Жабборовларга кўра, дунёнинг кўпгина минтақаларида табиий мувозанат бузилмоқда: айрим жойларда ёғингарчилик одатдагидан анча кўп бўлса, бошқа ҳудудларда қурғоқчилик авж олмоқда [Халиллаев, Жабборов, 2022].

Ҳароратнинг ортиши гидрологик цикл ўзгаришини тезлаштиради, атмосфера ҳавосининг нам сифимини оширади ва унинг барқарорлиги камаяди. Натижада, бу ҳолат ёғингарчилик, жумладан, кучли жалалар сонининг ортишига олиб келади. Э.Тренбертхнинг ҳисоб-китобларига кўра глобал ҳароратнинг 1°C га ортиши билан атмосфера ҳавосининг нам сифими 7% га ортади. Шу билан бирга, ҳароратнинг кўтарилиши буғланишнинг ортишига ва, натижада, Ер сиртининг қуришига ва қурғоқчилик интенсивлиги ҳамда давомийлигининг ортишига олиб келади. Бундан ташқари, бўронлар, момақалдиқлар, экстратропик ёмғирлар, қор бўронлари, тропик циклонлар ва кучли жала ёғинларининг авж олиши кузатилади [Kevin, 2011]. С.В.Мягков ҳам иқлим ўзгариши билан боғлиқ ҳолда дунё бўйлаб экстремал об-ҳаво ҳодисалари сонининг ортиб бораётганлигини, хусусан, жала ёғинлари миқдори 40% га ортганлигини таъкидлаган [Мягков, 2021].

Иқлим ўзгариши шароитида Ўзбекистонда атмосфера ёғинларининг ўзгариши бўйича олиб борилган тадқиқотлар ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Л.И.Молоснова, О.И.Субботина ва С.Г.Чанишевларнинг ҳисоблаш натижаларига кўра, Ўзбекистонда 1941-1950 йиллар энг кам ёғинли ўн йиллик бўлган; намга бой ўн йилликлар эса 1951-1960 ва 1981-1990 йиллардир [Молоснова и др., 1987]. Умуман олганда, 1961-1990 йилларда Ўзбекистоннинг текислик қисмида ёғин миқдори ортиб борганлиги қайд этилган. 1991-2000 йилларда эса тоғ ва тоғолди ҳудудларда ҳам ёғин миқдори меъеридан кўп бўлган [Солиев, 2021].

Ёғинлар миқдорининг йиллараро ўзгаришида тренднинг мавжудлиги ҳам илмий адабиётларда баҳсли. Масалан, В.Е.Чубнинг таъкидлашича, метеостанцияларни алоҳида-алоҳида қараганда, уларнинг ёғин миқдорида тренд яққол эмас [Чуб, 2000]. Т.О.Ососкова, Т.Ю.Спекторман ва В.Е.Чуб қаламига мансуб “Иқлим ўзгариши” китобида охириги 100 йил мобайнида Тошкентда ёғинлар миқдорида ортиш ёки камайиш кузатилмаганлиги қайд этилган [Ососкова и др., 2006]. Г.Е.Глазырин эса бунда тренд мавжудлигини кўрсатиб ўтган ва унинг ишончлилигини қиш ойлари учун 99% даражада эканлигини қайд этган [Глазырин, 1982; Глазырин и др., 1991]. Ёғин миқдорида мусбат тренд борлигини бир неча метеостанциялар бўйича З.Н.Фатхуллаева ва С.Х.Йўлдашевлар тасдиқлашган [Фатхуллаева, Юлдашева, 2006]. Л.А.Карандаева ва Б.К.Царёв тоғли ҳудудлардаги бир неча метеорология станциялари маълумотлари бўйича ёғин миқдори тренди мусбат ва анча катта эканлигини таъкидлашган [Карандаева, Царёв, 2005].

Ёғин миқдорида тренд борлиги ва унинг миқдори 1 мм/йил га яқин эканлиги Наманган метеостанцияси маълумотлари бўйича ҳам ҳисобланган. Жумладан, ёғин миқдоридаги тренд қиш ва кузда каттароқ, баҳор ва ёзда кичикроқ қийматларга эга. Яъни, қиш ва кузда 0,32-0,34 мм/йил, баҳор ва ёзда 0,14-0,16 мм/йил, йилига эса 1,0 мм га яқин эканлиги аниқланган [Солиев, 2021]. Демак, бу ҳолатлар ҳозирги глобал иқлим ўзгариши шароитида юз бермоқда.

Ишнинг мақсади ва вазифалари. Мазкур ишнинг мақсади дунё миқёсида юз бераётган иқлим ўзгариши шароитида Наманган вилоятининг ёғин миқдоридаги ўзгаришларни аниқлашдан иборат. Мақсад доирасида қуйидаги вазифалар белгиланди ва улар тадқиқот жараёнида ўз ечимини топди.

1. Наманган вилоятидаги мавжуд 2 та – Наманган ва Поп метеорология станцияларининг 1951-2022 йиллардаги ўртача ойлик ва йиллик ёғин миқдорлари кузатув маълумотлари асосида трендни ҳисоблаш.

2. Наманган ва Поп метеорология станцияларининг 1951-2022 йиллардаги маълумотлари асосида ўртача мавсумий ва ўртача йиллик ёғин миқдорларининг хронологик графикларини тузиш ҳамда уларни таҳлил қилиш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Ишда тадқиқот **объекти** сифатида Наманган вилояти танлаб олинди. Иқлим ўзгариши шароитида Наманган вилоятининг ёғин миқдоридаги ўзгаришларни аниқлаш тадқиқотнинг **предмети** ҳисобланади.

Бирламчи маълумотлар ва тадқиқот усуллари. Тадқиқот ишни бажариш жараёнида Наманган вилоятидаги Наманган ва Поп метеорология станцияларининг 1951-2022 йиллардаги ўртача ойлик ва йиллик ҳаво ҳарорати бўйича кузатув маълумотларидан фойдаланилди.

Тадқиқотда статистик таҳлил, географик умумлаштириш ва таққослаш **усуллари** қўлланилди.

Маълумки, ёғин миқдоридаги ўзгаришлар иқлим ўзгаришининг асосий кўрсаткичларидан ҳисобланади. Буни тўғри чизик тенгламаси ёрдамида трендни ҳисоблаб аниқлаш мумкин. Тўғри чизик тенгламаси: $y=ax+b$ ҳисобланиб, бу ерда a шу сонлар қийматининг йиллар бўйича ўзгариши жадаллигини (трендини) кўрсатувчи катталиқдир. У кичик квадратлар усулида ҳисобланади. Ушбу тўғри чизик тенгламаси бўйича Наманган ва Поп метеорология станцияларининг 1951-2022 йиллардаги маълумотлари асосида ўртача ойлик ва йиллик ёғин миқдоридаги ўзгаришлар жадаллиги (тренди) аниқланди.

Асосий натижалар ва уларнинг муҳокамаси. Иқлим ўзгариши шароитида Ўзбекистоннинг шарқий қисмида жойлашган Наманган вилояти атмосфера ёғинларидаги ўзгаришлар тадқиқ этилди. Наманган вилояти худудида ёғин миқдори 10 дан ортиқ метеорология станциялари ва агрометеорология постларида ўлчанган. Шулардан бугунги кунда ҳам фаолият юритаётган Наманган ва Поп метеорология станцияларининг ўртача ойлик ва йиллик ёғин миқдори бўйича маълумотлари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвалдан кўриниб турибдики, Наманган вилоятининг жануби-ғарбий қисмида (Поп) йиллик ёғин миқдори нисбатан кам, 184,4 мм ни (2001-2022 йй.) ташкил этиб, шарққа томон ёғин ортиб боради. Жумладан, Наманган метеорология станциясида ўртача йиллик ёғин миқдори 202,9 мм (2001-2022 йй.) ни ташкил этади. Йилнинг совуқ даври: ноябр-март ойларининг ўртача ёғин миқдори Попда 105,3 мм ни (2001-2022 йй.), марказий қисмида жойлашган Наманганда 117,0 мм ни (2001-2022 йй.) ташкил этади.

Йилнинг иссиқ даври – апрель-октябрь ойларининг ўртача ёғин миқдори Попда 79,1 мм ни (2001-2022 йй.), Наманганда эса 87,9 мм ни (2001-2022 йй.) ташкил этади.

Вилоятнинг энг серёғин ойлари февраль, март ва апрель ойларига тўғри келади. Энг кам ёғинли ойлари эса август ва сентябрь ойлари бўлиб, ўртача ойлик ёғин миқдори одатда 10 мм дан ошмайди; аксарият ҳолларда 3-5 мм ёғин ёғади.

1-жадвалдан яна шуларни кўриш мумкинки, Наманган ва Поп метеорология станцияларининг ўртача ойлик ва йиллик ёғин миқдорларининг турли даврлардаги қийматлари сезиларли ўзгарган. Жумладан, Наманган ва Поп метеорология станцияларида йиллик ёғин миқдори ортган. Ойлар кесимида таҳлил қилинганда, ҳар иккала метеорология станциясида январь ойининг ёғин миқдори сезиларли тарзда камайган, декабрь ойининг ёғин миқдори эса сезиларли тарзда ортган.

Атмосфера ёғинлари тўғрисида гапирганда, уларнинг йилдан йилга ўзгариши жуда катта тебранишларга эгаллигини алоҳида таъкидлаш лозим. Масалан, Наманган вилояти гидрометеорология бошқармасининг ёғин миқдори бўйича статистик маълумотларига

1-жадвал
Наманган ва Поп метеорология станцияларининг турли даврлар оралигидаги ўртача ойлик ва йиллик ёғин миқдорлари бўйича маълумотлари

Таблица 1
Данные Наманганской и Папской метеорологических станций о среднемесячном и годовом количестве осадков в разные периоды

Table 1
Data of Namangan and Pap meteorological stations on the average monthly and annual rainfall in different periods

Метеорология станциялари ва кузатиш йиллари	Ойлар												Йил	
	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII		
Наманган (1881-1964 йй.) [Научно ..., 1989]	22,0	19,0	29,0	21,0	19,0	8,0	6,0	2,0	4,0	15,0	19,0	18,0	75,0	182,0
Наманган (1971-2000 йй.) [Нормы..., 2006]	18,9	24,3	25,5	24,1	19,1	9,5	3,3	2	2,6	16,3	17,6	21,0	107,3	184,2
Наманган (2001-2022 йй.)	13,8	23,8	33,4	18,7	22,4	10,4	6,5	3,5	3,9	22,5	21,0	24,9	117,0	202,9
Поп (1881-1964 йй.) [Научно ..., 1989]	20,0	17,0	26,0	18,0	17,0	8,0	5,0	2,0	2,0	12,0	18,0	16,0	97,0	168,0
Поп (1971-2000 йй.) [Нормы..., 2006]	16,2	21,3	23,0	20,7	17,4	8,0	3,8	2,5	3,4	14,5	14,6	18,6	93,7	164,0
Поп (2001-2022 йй.)	12,8	21,1	32,4	19,7	18,6	12,2	6,1	3,6	3,4	15,5	16,1	22,9	105,3	184,4


кўра Наманганда 1971 йилда бор-йўғи 79,2 мм, 1995 йилда эса 80,3 мм ёғин ёққани ҳолда, 1969 йилда 407 мм, 1998 йилда 366,5 мм, 2003 йилда 359,2 мм ёғин ўлчанган. Баъзи ойларида, мисол учун август ва сентябр ойларида умуман ёғин ёғмаслиги мумкин.

Наманган метеорология станцияси бўйича 1951-2022 йиллар оралиғидаги ўртача ойлик ёғин миқдорининг ўзгаришлари ҳамма ойларида ҳам жуда катта эканлигини кўрсатади. Жумладан, январь ойида 0 мм (1955 й.) дан 87,4 мм (1969 й.) гача, февралда 84,1 мм гача (2010 й.), мартда 132,7 мм гача (2022 й.), апрелда 63 мм гача (1958 й.), майда 97,7 мм гача (2016 й.), июнда 59,4 мм гача (1998 й.), июлда 81,6 мм гача (1969 й.), августда 24,0 мм гача (1958 й.), сентябрда 39,0 мм гача (1960 й.), октябрда 123,9 мм гача (2003 й.), ноябрда 84,7 мм гача (2011 й.), декабрда 83,0 мм гача (2002 й.) ўзгариб турган.

Наманган метеорология станцияси бўйича 1951-2022 йиллар оралиғидаги ўртача ойлик, мавсумий ва йиллик ёғин миқдорининг тренд қийматлари ҳисобланди. Буни тўғри чизиқ тенграмаси ($y=ax+b$) ёрдамида аниқлашга ҳаракат қилдик. Тренд қийматлари қуйидагича кўринишга эга бўлди (мм/йил):

Январь	-0,1115	Май	0,1355	Сентябрь	0,0085	Қиш	0,0095
Февраль	0,0254	Июнь	0,0263	Октябрь	0,2078	Баҳор	0,1893
Март	0,0736	Июль	0,0066	Ноябрь	0,0442	Ёз	0,0454
Апрель	-0,0198	Август	0,0126	Декабрь	0,0956	Куз	0,2605
		Йиллик	0,5047				


Ҳисоблаш натижаларидан кўриниб турибдики, январь ва апрель ойларидаги ёғин миқдорида камайиш кузатилаётган бўлса, қолган барча ойларида, шунингдек, мавсумлар бўйича ва йиллик ўртача ёғин миқдорида ортиш тенденцияси кузатилмоқда. Ойлар кесимида сезиларли ортиш октябр ойига, мавсумлар бўйича эса куз фаслига тўғри келади. Шунингдек, январь ойида ёғин миқдорининг камайиши сезиларли бўлмоқда. Мазкур ўзгаришларни 1-2-расмлардаги хронологик графиклар орқали янада аниқроқ кўриш мумкин. 1-расмда ўртача йиллик, 2-расмда эса мавсумлар бўйича ёғин миқдорларининг қийматлари ва тренд чизиқлари келтирилган.



1-расм. Наманган метеостанциясида ўртача йиллик ёғин миқдорининг ўзгаришлари, мм

Рис. 1. Изменения среднегодового количества осадков на метеостанции Наманган, мм

Fig. 1. Changes in average annual precipitation in Namangan meteorological station, mm



2-расм. Наманган метеостанциясида ўртача мавсумий ёгин миқдорининг ўзгаришлари, мм

Рис. 2. Изменение среднего сезонного количества осадков на метеостанции Наманган, мм

Fig. 2. Changes in average seasonal precipitation in Namangan meteorological station, mm

Наманган вилояти атмосфера ёгинларидаги ўзгаришларни нафақат Наманган, балки, Поп метеорология станциясининг 1951-2022 йиллардаги маълумотлари асосида ҳам ўрганилди.

Поп метеорология станцияси бўйича ўртача йиллик ёгин миқдорини йилдан йилга ўзгариши Наманган метеорология станцияси каби жуда катта тебранишларга эга эканлигини кўриш мумкин. Масалан, 1975 йилда бори-йўғи 44,8 мм, 1971 йилда эса 57,7 мм ёгин ёғгани ҳолда, 1969 йилда 449,5 мм, 1993 йилда 327,6 мм ёгин ўлчанган.


Поп метеорология станцияси бўйича 1951-2022 йиллар оралиғидаги ўртача ойлик ёгин миқдорининг ўзгаришлари барча ойларда жуда катта эканлигини кўрсатади. Жумладан, январь ойида 0 мм дан (1955 й.) 87,2 мм гача (1969 й.), февралда 94,7 мм гача (2010 й.), мартда 109,3 мм гача (2022 й.), апрелда 72 мм гача (2003 й.), майда 70,2 мм гача (2016 й.), июнда 40,0 мм гача (1980 й.), июлда 44,0 мм гача (1969 й.), августда 15,7 мм гача (1966 й.), сентябрда 37,0 мм гача (1960 й.), октябрда 89,4 мм гача (1977 й.), ноябрда 80,1 мм гача (2011 й.), декабрда 70,9 мм гача (2002 й.) етади.

Поп метеорология станцияси бўйича 1951-2022 йиллар оралиғидаги ўртача ойлик, мавсумий ва йиллик ёгин миқдорининг тренд қийматлари тўғри чизик тенгламаси ($y=ax+b$) ёрдамида ҳисобланди ва у қуйидагича кўринишга эга бўлди (мм/йил):

Январь	-0,0918	Май	0,1267	Сентябрь	-0,0014	Қиш	-0,0318
Февраль	0,0112	Июнь	0,0109	Октябрь	0,1269	Баҳор	0,2358
Март	0,1255	Июль	0,0176	Ноябрь	-0,0476	Ёз	0,0508
Апрель	-0,0165	Август	0,0224	Декабрь	0,0488	Куз	0,0778
		Йиллик	0,3327				

Тренд қийматлари январь, апрель, сентябрь ва ноябрь ойларида манфий бўлиб, бу ойларда ёгин миқдорининг камайиб борганлигини кўрсатади. Камайиш январь ойида сезиларли эканлигини кўриш мумкин. Қолган ойларда тренд мусбат бўлиб, ёгин ортиб борганлигини кўрсатади. Март, май ва октябр ойларида ёгин миқдорининг ортиши йилига 0,13 мм ни ташкил этган.


3-расмдаги хронологик графикларда ўртача йиллик ёгин миқдорларининг, 4-расмда эса мавсумлар бўйича қийматлари ва тренд чизиклари келтирилган бўлиб, улар орқали ёгин миқдоридаги ўзгаришларни янада аниқроқ кўриш мумкин.



3-расм. Поп метеостанциясида ўртача йиллик ёгин миқдорининг ўзгаришлари, мм

Рис. 3. Изменения среднегодового количества осадков на метеостанции Пап, мм

Fig. 3. Changes in average annual precipitation in Pap meteostation, mm



4-расм. Поп метеостанциясида ўртача мавсумий ёғин миқдорининг ўзгаришлари, мм

Рис. 4. Изменение среднего сезонного количества осадков на метеостанции Пап, мм

Fig. 4. Changes in average seasonal precipitation in Pap meteorological station, mm

Хронологик графиклардан кўриниб турибдики, йиллик ёғин миқдори ортиб борган. Мавсумлар бўйича таҳлил қилинганда, қиш фаслида тренд манфий бўлиб, ёғин камайиб борган. Қолган мавсумларда эса тренд мусбат бўлиб, ёғин миқдори ортиб борган. Баҳор фаслида қолган фаслларга нисбатан ёғин миқдори сезиларли ортган.

Хулоса. Наманган вилоятидаги Наманган ва Поп метеорология станцияларининг маълумотларини статистик таҳлили натижаларига асосланиб айтганда, иқлим ўзгариши шароитида Наманган вилоятида ёғин миқдори ортиб бормоқда. Жумладан, Наманган метеорология станцияси маълумотларига кўра, сўнгги 22 йиллик даврдаги (2001-2022 йй.) ўртача йиллик ёғин миқдори 1881-1964 йиллардагига нисбатан 20 мм га ортган. Поп метеорология станциясидаги кўрсаткичлар айти мана шу давр оралиғида ёғин миқдори 16 мм га, 1971-2000 йиллардагига нисбатан эса 20 мм га ортган.

Наманган метеорология станцияси бўйича 1951-2022 йиллар оралиғидаги ўртача ойлик, мавсумий ва йиллик ёғин миқдорининг тренд кийматлари кўрсатишича январь ва апрель ойларининг ёғин миқдорида камайиш кузатилмоқда. Қолган барча ойларда, шунингдек, мавсумлар бўйича ва йиллик ўртача ёғин миқдорида ортиш (ҳар 10 йилда ўртача 5 мм дан) тенденцияси кузатилмоқда. Ойлар кесимида сезиларли ортиш октябрь ойига (ҳар 10 йилда ўртача 2 мм дан), мавсумлар бўйича эса куз фаслига (ҳар 10 йилда ўртача 2,6 мм дан) тўғри келади.

Поп метеорология станцияси бўйича 1951-2022 йиллар оралиғидаги ўртача ойлик тренд кийматлари январь, апрель, сентябрь ва ноябрь ойларида манфий бўлиб, бу ойларда ёғин миқдори камайиб борган. Қолган ойларда тренд мусбат бўлиб, ёғин ортиб борганлигини кўрсатади. Март, май ва октябрь ойларида ёғин миқдорининг ортиши ҳар 10 йилда 1,2 мм ни ташкил этган. Йиллик ўртача ёғин миқдорида ортиш тенденцияси кузатилмоқда ва бу ҳар 10 йилда ўртача 3,3 мм га тўғри келади. Мавсумлар бўйича ёғин миқдори баҳор фаслида ҳар 10 йилда ўртача 2,3 мм дан ортиб бораётган бўлса, қиш фаслида ўртача 0,3 мм га камайиб бормоқда.

АДАБИЁТЛАР

Глазырин Г.Е. Климат Ташкента за период регулярных метеорологических наблюдений // Тр. САНИИ. – Вып. 94(175). – 1982. – С. 86-93.

Глазырин Г.Е., Домашева Н.А., Морозюк Ж.В., Яковлев А.В. Вековой ход климата Ташкента // Известия Узбекского географического общества. – Т. 17. – 1991. – С. 18-24.

Карандаева Л.М., Царёв Б.К. Изменчивость и изменение ледниковой и снеговой составляющих стока рек Пяндж, Вахш, Зеравшан // Тр. НИГМИ. – Вып. 5(250). – 2005. – С. 68-77.

Молоснова Т.И., Субботина О.И., Чаньшьева С.Г. Климатические последствия хозяйственной деятельности в зоне Аральского моря. – М.: Гидрометеоздат, 1987. – 119 с.

Мягков С.В. Математическая модель ливневого стока в бассейне Сардобинского водохранилища // Гидрометеорология и мониторинг окружающей среды, № 1. 2021. – С. 74-83.

Научно-прикладной справочник по климату. Серия 3. Многолетние данные. Ч. 1-6. Вып. 19. Узбекистан. Кн. 1, Кн. 2. – М.: Гидрометеоздат, 1989. – 350 с.

Нормы климатических параметров, рассчитанные по данным наблюдений с 1971 по 2000 год // Тр. НИГМИ. – Ташкент: Узгидромет, 2006. – С. 112-125.

Осокова Т.А., Спекторман Т.Ю., Чуб В.Е. Иқлим ўзгариши. – Тошкент. ЎзГИМЕТ. – 2006. – 54 с.

Солиев Э. Иқлим ўзгаришининг Фарғона водийси сув ресурсларига таъсири. – Наманган, “Наманган” нашриёти, 2021. – 144 б.

Фатхуллаева З.Н., Юлдашева С.Х. Климатические колебания осадков в Узбекистане // Тр. НИГМИ. – Вып. 7(252). – 2006. – С.115-122.

Чуб В.Е. Изменение климата и его влияние на природно-ресурсный потенциал Республики Узбекистан. – Ташкент: САНИГМИ, 2000. – 252 с.

Халиллаев Ш.А., Жабборов Б.Т. Иқлим ўзгариши ва экологик мослашув (Услугий кўлланма). – Тошкент, 2022. – 110 б.

Trenberth K.E. Changes in precipitation with climate change // Climate research. – 2011. Vol. 47. – P. 123-138.

ИЗМЕНЕНИЕ КОЛИЧЕСТВА ОСАДКОВ В НАМАНГАНСКОЙ ОБЛАСТИ В УСЛОВИЯХ ИЗМЕНЕНИЯ КЛИМАТА

М.Р. КОРИЕВ¹

¹ Наманганский государственный университет, qoriyevmirzohid@mail.ru

Аннотация. В статье анализируются изменения количества осадков в Наманганской области в условиях глобального изменения климата. Оценка изменения количества осадков осуществлялась методом расчета линейных трендов. Анализ проводился на основе среднемесячных и годовых осадков метеостанций Наманган и Пап за 1951-2022 гг.

Ключевые слова: глобальное изменение климата, осадки, уравнение прямой линии, значения тренда, хронологические графики.

CHANGES IN THE AMOUNT OF PRECIPITATION IN THE NAMANGAN REGION IN THE CONDITIONS OF CLIMATE CHANGE

M.R. KORIEV¹

¹ Namangan State University, qoriyevmirzohid@mail.ru

Abstract. The article analyzes changes in precipitation in the Namangan region in the context of global climate change. The assessment of changes in precipitation amount was carried out by calculating linear trends. The analysis was carried out on the basis of average monthly and annual precipitation at Namangan and Pap meteorological stations for 1951-2022.

Keywords: global climate change, precipitation, straight line equation, trend values, chronological graphs.

REFERENCES

Glazirin G.Y. Klimat Tashkenta za period regulyarnix meteorologicheskix nablyudeniy [Climate of Tashkent during the period of regular meteorological observations] // Tr. SANII. – Vip. 94(175). – 1982. – С. 86-93. (in Russian)

Glazirin G.Y., Domasheva N.A., Morozuk J.V., Yakovlev A.V. Vekovoy hod klimata Tashkenta [Secular course of climate in Tashkent] // Izvestiya Uzbekskogo geograficheskogo obshestva. – T. 17. – 1991. – S. 18-24. (in Russian)

Karandaeva L.M., Saryov B.K. Izmenchivost i izmenenie lednikovoy i snegovoy sostavlyayutshix stoka rek Pyandj, Vaxsh, Zerafshan [Variability and change in the glacial and snow components of the runoff of the Pyanj, Vakhsh, Zerafshan rivers] // Tr. NIGMI. – Vip. 5(250). – 2005. – S. 68-77. (in Russian)

Molosnova T.I., Subbotina O.I., Chanisheva S.G. Klimaticheskie posledstviya xozyaystvennoy deyatel'nosti v zone Aralskogo morya [Climatic consequences of economic activities in the Aral Sea zone]. M.: Gidrometeoizdat, 1987. – 119 s. (in Russian)

Myagkov S.V. Matematicheskaya model livneвого stoka v bassejne Sardobinskogo vodoxranilitsha [Mathematical model of storm runoff in the Sardoba reservoir basin] // *Gidrometeorologiya i monitoring okrujayutshey sredi*, № 1, 2021. – С. 74-83. (in Russian)

Nauchno – prikladnoy spravochnik po klimatu [Scientific and applied reference book on climate]. Seriya 3. Mnogoletnie dannie. Ch. 1-6. Vip.19. Uzbekistan. Kn. 1, Kn. 2. – M.: Gidrometeoizdat, 1989. – 350 s. (in Russian)

Normi klimaticheskikh parametrov, rasschitannie po dannim nablyudeniy s 1971 po 2000 god [Normal climate parameters calculated from observational data from 1971 to 2000]. // *Tr. NIGMI*. – Tashkent: Uzgidromet, 2006. – S. 112-125. (in Russian)

Ososkova T.A., Spektorman T.Y., Chub V.Y. Iqlim ozgarishi [Climate change]. – Toshkent. O‘zGIMET. – 2006. – 54 s. (in Uzbek)

Soliev E. Iqlim ozgarishining Fargona vodiysi suv resurslariga tasiri [Impact of climate change on water resources of Fergana Valley]. – Namangan, “Namangan” nashriyoti, 2021. – 144 b. (in Uzbek)

Fatxullaeva Z.N., Yuldasheva S.X. Klimaticheskije kolebaniya osadkov v Uzbekistane [Climatic fluctuations in precipitation in Uzbekistan] // *Tr. NIGMI*. – Vip. 7(252). – 2006. – S. 115-122. (in Russian)

Chub V.Ye. Izmenenie klimata i yego vliyanie na prirodno-resursniy potencial Respubliki Uzbekistan [Climate change and its impact on the natural resource potential of the Republic of Uzbekistan]. – Tashkent: SANIGMI, 2000. – 252 s. (in Russian)

Xalillaev Sh.A., Jabborov B.T. Iqlim ozgarishi va ekologik moslashuv (Uslubiy qollanma) [Climate change and ecological adaptation (Methodological guide)]. – Toshkent, 2022. – 110 b. (in Uzbek)

УДК 551.583

ЎРТА ЗАРАФШОН ҲАВЗАСИДА МЕТЕОРОЛОГИК КАТТАЛИКЛАРНИНГ ИҚЛИМ ИЛИШИ ШАРОИТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАРИНИ БАҲОЛАШ

Ф. ҲИКМАТОВ^{1*}, Р.Р. ЗИЯЕВ¹, С.А. ХАЙДАРОВ², Д.А. САИДОВА¹, Ш.Р. ҒАНИЕВ²

¹ Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, hikmatov_f@mail.ru

² Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети, safarboy@mail.ru

Аннотация. Мақола Ўрта Заравшон ҳавзасидаги кичик дарёларнинг оқими миқдорини белгиловчи асосий метеорологик омиллар – атмосфера ёгинлари ва ҳаво ҳароратининг иқлим илиши шароитидаги ўзгаришларини баҳолашга бағишланган. Шу мақсадда ёгинлар ва ҳаво ҳароратининг ўртача кўп йиллик қийматлари базавий (БИД) ва жорий (ЖИД) иқлимий даврлар учун ҳисобланган. Бажарилган ҳисоблашлар натижаларини солиштириши асосида, ҳавзада ҳар икки ҳисоб даврида, йиллик атмосфера ёгинлари миқдорининг деярли ўзгармаганлиги, ҳароратнинг илиши эса ЖИДда БИДга нисбатан 0,8°C ни ташиқил этганлиги аниқланган.

Калит сўзлар: дарё ҳавзаси, Ўрта Заравшон, иқлим илиши, атмосфера ёгинлари, ҳаво ҳарорати, миқдорий ўзгаришлар, баҳолаш.

Кириш. Бугунги кунда, тоғ дарёлари ҳавзаларида улар оқими миқдорини белгиловчи асосий иқлимий омиллар – атмосфера ёгинлари миқдори ва ҳаво ҳароратининг сезиларли даражадаги ўзгаришлари кузатилмоқда. Оқибатда, ушбу ҳудудларда шаклланадиган дарёлар оқимида ҳам миқдорий ўзгаришлар рўй бериши билан бир вақтда, гидрометеорологик келиб чиқишли табиий офатлар, жумладан, жала

*Маъсул муаллиф: hikmatov_f@mail.ru, тел. +998 93 514-06-52

ёмғирлар, сел тошқинлари такрорланиши сони йилдан-йилга ортмоқда. Таъкидлаш лозимки, дунё миқёсида ҳаво ҳароратининг кўп йиллик меъёрга нисбатан жадал суратларда кўтарилиб бориши тобора сезиларлироқ бўлиб бормоқда.

Жаҳон Метеорология Ташкилоти (ЖМТ)нинг 2018 йилдаги маърузасида қайд этилишича, метеорологик кузатувлар бошланганидан буён ўтган энг иссиқ 18 йилнинг 17 таси янги ХХI асрга тўғри келган. Ушбу маърузада 2015, 2016 ва 2017 йиллар энг илиқ йиллар сифатида қайд этилган. Шу билан бирга жаҳон рекорди 2016 йилга тегишлилигича қолган [Жаҳон ..., 2018]. Шунингдек, европалик иқлимшунослар, аниқроғи, Еврокомиссия қўллаб-қувватлайдиган ва Европа Иттифоқи томонидан молиялаштириладиган Copernicus иқлим ўзгариши мониторинги хизмати (С3S) раҳбари ўринбосари Саманта Бержеснинг таъкидлашича, 2023 йил рекорд даражадаги энг иссиқ йил бўлди.

Шу ўринда, Ўзбекистонда иқлимий катталиклар, хусусан, ҳаво ҳароратида қандай ўзгаришлар кузатилмоқда, деган саволнинг бўлиши табиийдир. Ўзгидромет маълумотларига кўра, 2023 йилнинг октябрь ойида ҳаво ҳарорати меъёрга нисбатан мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги метеорология станцияларида $1,5 \div 2,5^{\circ}\text{C}$ юқори бўлган бўлса, ноябрда $3 \div 6^{\circ}\text{C}$ илиқ бўлган. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистондаги барча метеорологик кузатувлар 2023 йилда, айниқса, унинг куз ойларида энг юқори кўрсаткичларни қайд этди.

Юқорида келтирилган рақамлар, табиийки, одамларнинг яшаш тарзи ва саломатлиги билан бир қаторда, иқлимий омиллар билан боғлиқ бўлган табиий ресурсларга, айниқса, сув ресурсларининг миқдор ва сифатига жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда. Ушбу муаммо, яъни дарёлар ҳавзаларида атмосфера ёғинлари ва ҳаво ҳарорати миқдорий ўзгаришларининг сув ресурсларига таъсири Ўзбекистон шароитида янада яққолроқ кўзга ташланмоқда. Ушбу масалани Ўрта Зарафшон ҳавзасидаги кичик тоғ дарёлари мисолида ўрганиш ва бу борада тегишли илмий хулосаларга келиш бугунги куннинг **долзарб** масалаларидан бири ҳисобланади.

Ўрта Зарафшон дарёлари ҳавзаларининг табиий географик, жумладан, иқлим шароити тавсифи В.А.Бугаев [Бугаев, 1961], Л.Н.Бабушкин [Бабушкин, 1981], В.Е.Чуб [Чуб, 2000, 2007] ва бошқаларнинг тадқиқотларида ёритилган. Ҳудудда ёз жазирама иссиқ, қиш эса қуруқ ва совуқ бўлади. Лекин, ўрганилаётган ҳудуд нисбатан жануброқда жойлашганлиги ҳамда шимол, шимоли-шарқ, шарқ ва жануб томонлардан тоғлар билан ўралганлиги туфайли, бу ерда қишда ҳаво ҳаддан ташқари совиб кетмайди. Январ ойининг ўртача ҳарорати $-0 \div -1,3^{\circ}\text{C}$ атрофида бўлади. Лекин баъзан, шимолдан Арктика совуқ ҳаво массалари кириб келганда, энг паст ҳарорат -24°C дан -35°C гача пасаяди. Ёзда эса, аксинча, ҳаво очик бўлиб, жуда исиб кетади. Натижада, июлнинг ўртача ҳарорати $+26 \div +28^{\circ}\text{C}$ атрофида бўлиб, энг юқори ҳарорат эса $+40 \div +45^{\circ}\text{C}$ гача етади. Ҳавзада баҳорда бўладиган охириги совуқлар тахминан март ойининг учинчи ўн кунлигига, кузги биринчи совуқлар эса октябрь ойининг биринчи ўн кунлигига тўғри келади. Атмосфера ёғинларининг асосий қисми (70-80%) ҳам совуқ ярим йиллик, яъни октябрь-март ойларида ёғади.

Иқлим илиши шароитида дарёлар ҳавзаларида ҳаво ҳарорати ва атмосфера ёғинларининг сўнгги ўн йилликлардаги ўзгаришлари масалалари J.Gibson [Gibson ва бошқ., 2005], R.M.Perkins [Perkins, Julia, 2008], Y.Kong [Kong, Pang, 2012] каби чет эллик олимларнинг тадқиқотларида кўриб чиқилган. Ўзбекистонда ушбу йўналишдаги тадқиқотлар В.Е.Чуб [Чуб, 2000; 2007], Т.А.Ососкова [Ососкова, Хикматов, Чуб, 2005], Б.К.Царев [Царев, Карандаева, 2007], С.А.Хайдаров [Хайдаров, 2018], Б.М.Холматжанов [Холматжанов, 2019], Ф.Хикматов [Хикматов, 2020], Д.М.Турғунов [Турғунов, 2021], Л.М.Карандаева [Карандаева, 2022], З.Ф.Хакимова [Хакимова, 2023] кабилар томонидан

ўтказилмоқда. Ушбу тадқиқотларда дарёлар ҳавзаларида ҳаво ҳарорати ва атмосфера ёғинлари ўзгаришларининг дарёлар оқими миқдорини белгиловчи табиий географик омилларга таъсирлари кўриб чиқилган. Лекин, уларда Зарафшон дарёси ҳавзасида, айниқса, унинг Ўрта Зарафшон қисми дарёлари оқими миқдорини белгиловчи асосий метеорологик омиллар – ҳаво ҳарорати ҳамда атмосфера ёғинларининг ўзгаришлари масалалари алоҳида тадқиқ этилмаган.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Ушбу тадқиқот ишининг асосий мақсади иқлим илиши шароитида Ўрта Зарафшон ҳавзасида ҳаво ҳарорати ва атмосфера ёғинларининг ўзгаришларини узоқ йиллар давомида олиб борилган метеорологик кузатишлар маълумотлари асосида баҳолашга қаратилди. Ишда кўзланган мақсадни амалга оширишда қуйидаги **вазифалар** белгилаб олинди: Ўрта Зарафшон ҳавзасида жойлашган метеорология станцияларида ўлчанган ҳаво ҳарорати ва атмосфера ёғинлари ҳақидаги кўп йиллик метеорологик маълумотларни тўплаш ва маълумотлар базасини яратиш; тўпланган метеорологик маълумотларни икки даврга, яъни ЖМТ томонидан тавсия этилган базавий (БИД, 1961-1990 йй.) ва жорий (ЖИД, 1991-2020 йй.) иқлимий даврларга бўлиб, статистик таҳлил қилиш; ҳар икки ҳисоб даврида кузатилган ҳаво ҳароратлари ва атмосфера ёғинларининг ўзгаришларини алоҳида метеорология станциялар маълумотлари асосида ҳамда ҳавза майдони бўйича аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети. Мақолада, тадқиқот **объекти** сифатида кичик дарёлар ва сойлар шаклланадиган Ўрта Зарафшон ҳавзаси олинди. Тадқиқотнинг **предметини** эса мазкур ҳавзада ҳаво ҳарорати ва атмосфера ёғинларининг иқлим илиши шароитидаги ўзгаришларини аниқлаш масалалари ташкил этади.

Бирламчи маълумотлар. Тадқиқот жараёнида Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати агентлиги (Ўзгидромет) тасарруфидаги метеорология станцияларида стандарт талаблар асосида ўлчанган ҳаво ҳарорати ва атмосфера ёғинлари ҳақидаги маълумотлардан фойдаланилди.

Асосий натижалар ва уларнинг муҳокамаси. Маълумки, Ўрта Зарафшон ҳавзаси Сирдарё ҳавзасига нисбатан жанубий кенгликларда жойлашганлиги сабабли, бу ерда ҳаво ҳарорати ва атмосфера ёғинларининг баландлик бўйича ва йиллараро ўзгарувчанлиги ўзига хослиги билан бошқа ҳудудлардан ажралиб туради [Бабушкин, 1981; Царев, Карандаева, 2007; Хайдаров, 2018; Хикматов ва бошқ., 2020; Зияев, 2021].

Тадқиқот ишида ҳаво ҳарорати ва атмосфера ёғинларининг иқлим илиши шароитидаги ўзгаришларини ўрганиш мақсадида воҳада жойлашган 13 та метеорология станциялари танланиб олинди (1-жадвал). Ушбу метеорология станцияларида белгиланган стандарт талаблар асосида ўлчаб борилган ҳаво ҳарорати ва ёғинлар ҳақидаги маълумотлар базавий (БИД, 1961-1990 йй.) ҳамда жорий (ЖИД, 1991-2020 йй.) иқлимий даврларга ажратилган ҳолда таҳлил қилинди.

Ишда, дастлаб, ҳаво ҳароратининг юқорида ажратилган ҳисоб даврларидаги ўзгаришлари икки усулда, яъни алоҳида ва гуруҳ метеорология станциялари маълумотлари асосида баҳоланди. Мазкур ўзгаришлар, яъни фарқлар ҳар икки иқлимий даврлар (БИД – 1961-1990 йй. ва ЖИД – 1991-2020 йй.) учун бажарилган ҳисоблашлар натижаларини ўзаро солиштириш йўли билан аниқланди.

Ҳавзада ҳаво ҳароратининг алоҳида метеорология станциялари маълумотлари асосида аниқланган натижаларига кўра, турли иқлимий даврларда ҳаво ҳароратидаги ўзгаришларнинг энг катта қиймати Самарқанд метеорология станциясига ($1,2^{\circ}\text{C}$), энг кичик қийматлари эса Оёқоғитма, Нуробод ва Нурота ($0,5\div 0,6^{\circ}\text{C}$) метеорология станцияларига тўғри келди. Ҳудди шу каби ҳисоблашлар ҳаво ҳароратининг максимал ($t_{\text{мак}}$) ва минимал ($t_{\text{мин}}$) қийматлари учун ҳам амалга оширилди (1-жадвал).

1-жадвал

Ўрта Зарафшон ҳавзасида турли иқлимий даврлардаги ўртача ($t_{\text{ўрт}}$),
максимал ($t_{\text{мак}}$) ва минимал ($t_{\text{мин}}$) ҳаво ҳароратлари ва уларнинг фарқлари

Таблица 1

Средние ($t_{\text{сред}}$), максимальные ($t_{\text{мак}}$) и минимальные ($t_{\text{мин}}$) значения температур
воздуха в разных климатических периодах в бассейне
Среднего Зеравшана и их разность

Table 1

Average (t_{avg}), maximum (t_{max}) and minimum (t_{min}) values of air temperatures in different
climatic periods in the Middle Zerafshan basin and their differences

№	Метеорология станцияси	Н, м	БИД даги ҳаво харорати, °С			ЖИД даги ҳаво харорати, °С			Ҳароратлар фарқи, °С		
			$t_{\text{ўрт}}$	$t_{\text{мак}}$	$t_{\text{мин}}$	$t_{\text{ўрт}}$	$t_{\text{мак}}$	$t_{\text{мин}}$	$\Delta t_{\text{ўрт}}$	$\Delta t_{\text{мак}}$	$\Delta t_{\text{мин}}$
1	Оёқоғитма	184	14,5	15,9	12,0	15,0	16,1	13,6	0,5	0,2	1,6
2	Қоракўл	196	15,1	16,0	13,3	16,0	16,9	14,7	0,9	0,9	1,4
3	Мошиқудуқ	199	14,8	16,2	12,3	15,8	16,6	12,6	1,0	0,4	0,3
4	Жонгелди	209	15,7	17,0	13,7	16,5	17,7	15,0	0,8	0,7	1,3
5	Бухоро	225	14,7	16,0	12,4	15,7	16,5	14,3	1,0	0,5	1,9
6	Томди	236	14,1	15,7	11,9	14,8	16,3	13,2	0,7	0,6	1,3
7	Оқбайтал	237	12,0	13,8	10,0	12,7	13,9	10,9	0,7	0,1	0,9
8	Бўзаубой	297	14,0	15,4	12,0	14,8	16,0	13,1	0,8	0,6	1,1
9	Навоий	346	14,7	15,8	12,5	15,6	16,5	14,0	0,9	0,7	1,5
10	Нурога	499	13,8	15,5	11,7	14,4	16,5	12,9	0,6	1,0	1,2
11	Нуробод	530	14,9	15,9	12,7	15,5	16,8	14,4	0,6	0,9	1,7
12	Даҳбед	645	13,6	14,3	11,3	14,3	15,1	12,8	0,7	0,8	1,5
13	Самарқанд	695	13,5	14,7	11,4	14,7	15,4	13,1	1,2	0,7	1,7
Йиғинди			185	204	157	196	213	175	10,4	8,1	17,4
Ўртача			14,3	15,7	12,1	15,1	16,4	13,5	0,8	0,6	1,3


Изоҳ: Н – метеорологик станциянинг жойлашиши баланглиги; БИД – базавий иқлимий давр (1961-1990 йй.); ЖИД – жорий иқлимий давр (1991-2020 йй.); $\Delta t_{\text{ўрт}}$, $\Delta t_{\text{мак}}$, $\Delta t_{\text{мин}}$ – ўртача, максимал ва минимал ҳаво ҳароратларининг фарқи, °С.

Примечание: Н – высота расположения метеорологической станции; БКП – базавый климатический период (1961-1990 гг.); ТКП – текущий климатический период (1991-2020 гг.); $\Delta t_{\text{сред}}$, $\Delta t_{\text{мак}}$, $\Delta t_{\text{мин}}$ – разность средних, максимальных и минимальных значений температур воздуха, °С.

Note: Н – altitude of the meteorological station; BCP – base climate period (1961-1990); CCP – current climate period (1991-2020); Δt_{avg} , Δt_{max} , Δt_{min} – difference between average, maximum and minimum air temperatures, °С

Тадқиқотнинг кейинги босқичида ҳавзада ҳаво ҳароратининг ўзгаришлари гуруҳ метеорология станциялари маълумотлари асосида баҳоланди. Ҳисоблашлар натижаларига кўра, БИДда гуруҳ метеорология станцияларида қайд этилган ўртача йиллик ҳаво ҳарорати 14,3°С ни ташкил қилди. ЖИДда эса ҳаво ҳароратнинг ўртача кўп йиллик қиймати гуруҳ бўйича 15,1°С га тенг бўлди. Ушбу қийматлардан кўриниб турибдики, гуруҳ метеорология станциялари бўйича ўртача йиллик ҳаво ҳарорати ЖИДда БИДга нисбатан ўртача 0,8°С кўтарилган (1-расм).

Юқоридаги каби ҳаво ҳароратининг максимал ($t_{\text{мак}}$) ҳамда минимал ($t_{\text{мин}}$) қийматлари учун ҳам, яъни $t_{\text{мак}}=f(H)$ ва $t_{\text{мин}}=f(H)$ боғланиш графиклари чизилди ва улар таҳлил қилинди (1-расм).



1-расм. Ўрта Зарафшон хавзасида ҳаво ҳарорати характерли ($t_{\text{ўрт}}$, $t_{\text{макс}}$, $t_{\text{мин}}$) қийматларининг баландликка боғлиқ ҳолда ўзгаришлари

Рис. 1. Изменения характерных ($t_{\text{сред}}$, $t_{\text{макс}}$, $t_{\text{мин}}$) значений температуры воздуха с высотой в бассейне Среднего Зеравшана

Fig. 1. Changes in characteristic (t_{avg} , t_{max} , t_{min}) air temperature values with altitude in the Middle Zerafshan basin

Тадқиқот ишида қўйилган вазифалардан яна бири, ўрганилаётган ҳавзада атмосфера ёғинларининг миқдорий ўзгаришларини баҳолашдан иборат эди. Маълумки, атмосфера ёғинлари миқдори, биринчи навбатда, жойнинг географик ўрни билан аниқланса, қолаверса, атмосфера циркуляцияси, ер сирти рельефи, ёнбағирлар экспозицияси каби омилларга ҳам боғлиқдир. Атмосфера ёғинлари миқдори бутун Ўрта Осиё ҳудудида бўлгани каби, Ўрта Зарафшон ҳавзасида ҳам нотекис тақсимланган. Уларнинг йиллик миқдори текисликларда ўртача 100-200 мм, тоғ олди ва тоғли ҳудудларда 500-1000 мм, баланд тоғлар ёнбағирларида эса, баъзан, 1500 мм ва ундан ҳам кўпроқ бўлади.

Ёғинлар ўрганилаётган ҳавзанинг текислик қисмида ёз ойларида кам, баҳор (март-апрель) ёки куз (октябрь-ноябрь) ойларида эса нисбатан кўпроқ ёғади. Ҳавзанинг шарқий, яъни баланд тоғли ҳудудларида эса ёғинларнинг энг кўп қисми март-май ойларида кузатилади. Ёзда фақат тоғли ҳудудлардагина ёғингарчилик кўпроқ бўлади. Ҳавзанинг ёғинлар кам тушадиган ҳудудларида уларнинг суткалик максимал миқдори 30-50 мм, ёғингарчилик кўп бўладиган ҳудудларда эса 100 мм ва ундан ҳам кўпроқ бўлиши мумкин. Ўртача кўп йиллик ва характерли (максимал, минимал) ёғин миқдорларининг ана шундай ўзгаришларини иқлим илиши шароитида Ўрта Зарафшон ҳавзаси мисолида баҳолаш гидрологик нуқтаи-назардан муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Юқорида баён этилганларни ҳисобга олган ҳолда, Ўрта Зарафшон ҳавзасида жойлашган метеорология станцияларида БИД ҳамда ЖИДларда ўртача кўп йиллик атмосфера ёғинларининг миқдорий ўзгаришлари баҳоланди (2-жадвал). Дарёлар оқимининг ҳосил бўлишида, айниқса, дарёларда кўп сувли ёки кам сувли йилларнинг шаклланишида йиллик ёғинларнинг максимал ва минимал қийматлари ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Шу ҳолатни назарда тутиб, атмосфера ёғинлари максимал ва минимал миқдорларининг иқлим илиши давридаги ўзгаришларини баҳолашга ҳам алоҳида эътибор қаратилди (2-жадвал).

Натижалар таҳлилининг кўрсатишича, Ўрта Зарафшон воҳасида 13 та метеорология станцияларидан 6 тасида, яъни Самарқанд, Дахбед, Оқбайтал, Бўзаубой, Нурота ва Бухоро метеостанцияларида ўртача кўп йиллик ёғин миқдорлари ЖИДда БИДга нисбатан (3÷38 мм) ортган. Қолган барча метеорология станцияларида ўртача ёғин миқдорларининг 4÷23 оралиқдаги қийматларда камайганлиги аниқланди. Шу билан бирга тадқиқотда ҳар икки ҳисоб даври учун ўртача кўп йиллик ёғин миқдорларининг максимал ва минимал кўрсаткичларининг фарқлари ҳам аниқланди. Унга кўра, ҳар икки ҳисоб давридаги максимал ёғин миқдорларининг энг катта қийматлари орасидаги фарқ Нуробод метеорология станциясида (164 мм) қайд этилди. Минимал ёғин миқдори орасидаги фарқ (1 мм) Навоий метеорология станциясида кузатилган.

Иккинчи усулда, дастлаб, Ўрта Зарафшон воҳасида жойлашган метеорология станцияларида ўлчанган ёғин миқдорлари ўртача кўп йиллик қийматларининг ўзгаришлари ўрганилди ва олинган натижалар таҳлил қилинди. Шу мақсадда юқоридаги жадвалда келтирилган, яъни махсус ҳисоблашлар натижасида ўртача кўп йиллик ёғин миқдорларининг БИД ҳамда ЖИДлар учун аниқланган қийматларининг баландликка боғлиқ ҳолда ўзгаришлари графиклари чизилди (2-расм).

2-расмдан кўриниб турибдики, Ўрта Зарафшон воҳасида БИДда, атмосфера ёғинлари билан метеорология станцияларининг баландликлари орасидаги боғланиш зичлигини ифодаловчи жуфт корреляция коэффициенти $r=0,883$ ни, унинг хатолиги эса $\sigma_r=\pm 0,027$ ни ташкил этди. ЖИД учун ҳисобланган корреляция коэффицентининг қиймати $r=0,910$ га, хатолиги эса $\sigma_r=\pm 0,027$ га тенг бўлди. Ушбу график $H=500$ метргача баландликларда ёғин миқдорларининг ҳар икки ҳисоб даврида деярли ўзгармаганлигини

кўрсатиб турибди. Лекин, ундан юқори баландликларда ЖИДда ёғин миқдорлари БИДга нисбатан, жуда оз бўлса-да ортиб борган.

2-жадвал

БИД ва ЖИДлар учун аниқланган ўртача кўп йиллик ҳамда экстремал ёғин миқдорлари ва уларнинг фарқлари

Таблица 2

Средние многолетние и экстремальные величины осадков, вычисленные для БИД и ЖИД, а также их разность

Table 2

Average long-term and extreme precipitation values, calculated for BCP and CCP, as well as their difference


№	Метеорология станцияси	Баландлиги, Н, м	БИД, мм			ЖИД, мм			Фарқи, мм		
			X _{ўрт.}	X _{макс}	X _{мин}	X _{ўрт}	X _{макс}	X _{мин}	ΔX _{ўрт}	ΔX _{макс}	ΔX _{мин}
1	Оёқоғитма	184	131	260	32	135	215	52	4	-45	20
2	Қорақўл	196	134	211	76	130	197	61	-4	-14	-15
3	Мошиқудуқ	199	159	244	90	136	257	66	-23	13	-24
4	Жонгелди	209	100	170	62	100	180	31	0	10	-31
5	Бухоро	225	143	245	78	161	203	57	18	-42	-21
6	Томди	236	126	251	83	108	194	40	-18	-57	-43
7	Оқбайтал	237	117	239	43	125	229	46	8	-10	3
8	Бўзаубой	297	88	165	35	91	204	27	3	39	-8
9	Навоий	346	206	385	110	186	298	109	-20	-87	-1
10	Нурота	499	241	419	129	249	374	148	8	-45	19
11	Нуробод	530	382	702	196	359	538	162	-23	-164	-34
12	Дахбед	645	350	436	206	388	551	186	38	115	-20
13	Самарқанд	695	354	611	184	378	574	158	24	-37	-26
Йиғинди			2531	4338	1323	2546	4014	1143	15	-324	-181
Ўртача			195	334	102	196	309	88	1	-25	-14

Юқорида олинган натижаларнинг таҳлилларига таянган ҳолда, **хулоса** сифатида қуйидагиларни қайд этиш мумкин.

1. Ўрта Зарафшон ҳавзасида ҳар икки усулда ҳам ҳаво ҳароратининг жорий иқлимий даврда базавий иқлимий даврга нисбатан кўтарилганлиги аниқланди. Алоҳида метеорология станциялари маълумотлари бўйича ҳаво ҳароратидаги энг катта кўтарилиши Самарқанд метеорология станциясида $1,2^{\circ}\text{C}$ ни, кўтарилишнинг энг кичик қиймати эса Оёқоғитма метеорология станциясида кузатилиб, $0,5^{\circ}\text{C}$ ни ташкил этди.

2. Ўрганилаётган воҳада гуруҳ метеорология станциялари бўйича БИДда қайд этилган ўртача кўп йиллик ҳаво ҳарорати $14,3^{\circ}\text{C}$ га тўғри келган. ЖИДда эса ҳаво ҳароратининг ушбу кўрсаткичи бир оз ортиб, $15,1^{\circ}\text{C}$ ни ташкил этган. Демак, БИД га нисбатан ЖИДда ўртача йиллик ҳаво ҳарорати $0,8^{\circ}\text{C}$ га кўтарилган.

3. Ўрта Зарафшон ҳавзасида ўртача кўп йиллик атмосфера ёғинлари миқдорларининг $H=500$ метргача баландликларда деярли бир хил бўлганлиги, ундан юқори баландликларда эса ЖИДда БИДга нисбатан бир оз ортганлиги аниқланди. Ўрта Зарафшон ҳавзаси бўйича БИД ва ЖИДдаги ўртача кўп йиллик ёғин миқдорларининг БИДга нисбатан энг катта ортиши (38 мм) Дахбед метеорология станциясида кузатилган.



2-расм. Ўрта Зарафшон ҳавзасида атмосфера ёгинлари миқдорларининг ўзгаришлари

Рис. 2. Изменения величины атмосферных осадков в бассейне Среднего Зеравшана

Fig. 2. Changes in atmospheric precipitation in the Middle Zeravshan basin

Келгуси тадқиқотларда асосий эътибор Ўрта Зарафшон ҳавзасида ҳаво ҳарорати ва атмосфера ёғинларининг мазкур мақолада аниқланган ўзгаришларининг ҳудуддаги кичик дарёлар сув ресурсларига таъсирини баҳолаш масалаларига қаратилиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Миннатдорчилик. Муаллифлар ушбу мақолани тайёрлаш жараёнида зарур бўлган гидрометеорологик маълумотларни тўплашда ўз ёрдамларини аямаган Ўзгидрометнинг Ўзгидрометфонд ходимларига ҳамда мақолани нашрга тайёрлашда кўрсатган услубий маслаҳатлари учун Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Қуруқлик гидрологияси кафедраси мудир, г.ф.д., доцент Ғ.Х.Юнусовга ўз миннатдорчилигини билдирадилар.

Муаллифлар ҳиссаси. **Ф. Хикматов:** мақола ғояси, методология, тадқиқот объектини танлаш, натижалар таҳлили, хулосалар. **Р.Р. Зияев:** мақола ғоясини кўллаш, ҳисоблашлар, натижалар таҳлили, илмий хулосалар, мақолани расмийлаштириш. **С.А. Хайдаров:** маълумотлар тўплаш, ҳисоблашлар, натижалар таҳлили, илмий хулосалар, мақолани расмийлаштириш. **Д.А. Саидова:** ҳисоблашлар, натижалар таҳлили, илмий хулосалар, мақолани расмийлаштириш. **Ш.Р. Ғаниев:** маълумотлар тўплаш, ҳисоблашлар, натижалар таҳлили, илмий хулосалар, мақолани расмийлаштириш. Барча муаллифлар кўлөзманинг нашрга тавсия этилган матни билан танишдилар ва ўз розиликларини билдирдилар.

АДАБИЁТЛАР

Бабушкин Л.Н. Климатография Средней Азии. – Ташкент, 1981. – 91 с.

Большаков М.Н. Водные ресурсы рек советского Тянь-шаня и методы их расчета. – Фрунзе: Илим, 1974. – 306 с.

Зияев Р.Р. Зарафшон ҳавзаси дарёлари сув режими фазаларининг иқлим ўзгариши шароитидаги силжишлари. Геогр. ф. ф. д. ... дисс. автореферати. – Тошкент, 2021. – 46 б.

Карандаева Л.М., Карандаев С.В. Анализ атмосферных осадков базового и текущего климатических периодов по данным метеорологических станций бассейна реки Чирчик и сопредельных территорий // Гидрометеорология и мониторинг окружающей среды. – Тошкент, 2022. №3. – С. 30-43.

Осокова Т.А., Хикматов Ф.Х., Чуб В.Е. Изменение климата. – Ташкент: НИГМИ, 2005. – 40 с.

Тургунов Д.М. Тоғ дарёлари кам сувли йиллар оқими гидрологик кўрсаткичларини ҳисоблаш ва прогнозлаш. Геогр. фан. док. (DSc) ... дисс. автореферати. – Тошкент, 2022. – 61 б.

Хайдаров С.А. Зарафшон ҳавзаси дарёлари сув ресурсларининг шаклланишига иқлимий омилларнинг таъсирини баҳолаш. Геогр. ф. ф. д. ... дисс. автореферати. – Тошкент, 2018. – 46 б.

Ҳакимова З.Ф. Чирчик-Оҳангарон ҳавзасида ҳаво ҳарорати ва атмосфера ёғинларининг иқлим илиши шароитидаги ўзгаришларини баҳолаш // Ўзбекистон География жамияти ахбороти. 63-жилд. – Тошкент, 2023. – Б. 76-81.

Хикматов Ф.Х., Юнусов Г.Х., Зияев Р.Р., Эрлапасов Н.Б., Ҳакимова З.Ф. Закономерности формирования водных ресурсов горных рек в условиях изменения климата. Монография. – Ташкент: “РНМУ”, 2020. – 232 с.

Холматжанов Б.М. Минтақавий атмосфера циркуляцияси, унинг Ўрта Осиё иқлимининг ўзгариши ва Ўзбекистоннинг тоғли ҳудудларида ҳавонинг ифлосланишига таъсири хусусиятлари. Геогр. фан. док. (DSc) ... дисс. автореферати. – Тошкент, 2019. – 58 б.

Царёв Б.К., Карандаева Л.М. Информационные показатели карт температуры и осадков в бассейне реки Зеравшан // Тр. НИГМИ. – Ташкент, 2007. – Вып. 8(253). – С. 93-100.

Чуб В.Е. Изменение климата и его влияние на гидрометеорологические процессы, агроклиматические и водные ресурсы Республики Узбекистан. – Ташкент: «ВОРИС НАШРИЁТ» МЧЖ, 2007. – 133 с.

Хикматов Ф.Х., Зияев Р.Р., Ҳакимова З.Ф. Иқлимий катталикларнинг иқлим илиши

шароитидаги ўзгаришларини баҳолаш усуллари / Иқлим ўзгариши шароитида арид ҳудудлар сув ресурслари: муаммолар ва уларнинг ечимлари мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция. – Тошкент, 2023. – Б. 54-59.

Xikmatov F.X., Ziyayev R.R., Saidova D.A. Iqlim ilishi sharoitida cho‘l-voha hududlaridan oqib o‘tuvchi daryolar havzalarida havo haroratining o‘zgarishlari / Iqlim o‘zgarishi sharoitida cho‘l-voha ekosistemesi: muammolar va yechimlar mavzusidagi xalqaro simpozium. – Buxoro, 2023. – B. 8-12.

Ziyayev R.R., Hakimova Z.F., Halimova G.S. Global iqlim ilishi va bu jarayonning atmosfera yog‘inlarining miqdoriy o‘zgarishlariga ta‘sirini baholash (Chirchiq-Ohangaron va O‘rta Zarafshon vohalari misolida) / Iqlim o‘zgarishi sharoitida cho‘l-voha ekosistemesi: muammolar va yechimlar mavzusidagi xalqaro simpozium. – Buxoro, 2023. – B. 21-25.

Gibson J., Edwards T., Birks S., Amour N., Buhay W., Eachern P., Wolfe B., Peters D. Progress in isotope tracer hydrology in Canada // Hydrol. – Process. 2005. 19, – P. 303–327.

Kong Y., Pang Z. Evaluating the sensitivity of Glacier Rivers to climate change based on hydrograph separation of discharge // Journal of Hydrology. – 2012. – T. 434. – P. 121-129.

Perkins R.M., Julia A.J. Climate variability, snow, and physiographic controls on storm hydrographs in small-forested basins, western Cascades, Oregon // Hydrological Processes: An International Journal 22, no. 25 (2008). – P. 4949-4964.

ОЦЕНКА ИЗМЕНЕНИЯ МЕТЕОРОЛОГИЧЕСКИХ ВЕЛИЧИН В БАССЕЙНЕ СРЕДНЕГО ЗЕРАВШАНА В УСЛОВИЯХ ПОТЕПЛЕНИЯ КЛИМАТА

Ф. ХИКМАТОВ¹, Р.Р. ЗИЯЕВ¹, С.А. ХАЙДАРОВ², Д.А. САИДОВА¹, Ш.Р. ГАНИЕВ²

¹ Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека, hikmatov_f@mail.ru

² Самаркандский государственный университет имени Шарофа Рашидова, safarboy@mail.ru

Аннотация. *Статья посвящена оценке количественных изменений основных метеорологических факторов – атмосферных осадков и температуры воздуха, определяющих величины стока малых рек бассейна Среднего Зеравшана. С этой целью рассчитаны средние многолетние значения осадков и температуры воздуха за базовый (БКП) и текущий (ТКП) климатические периоды. На основе сопоставления результатов расчетов, выполненных для этих двух периодов выявлено, что слои атмосферных осадков оставались почти без изменения, а температура воздуха повышалась на 0,8°C в ТКП относительно БКП.*

Ключевые слова: *бассейн реки, Средний Зеравшан, потепление климата, атмосферные осадки, температура воздуха, количественные изменения, оценка.*

ASSESSMENT OF CHANGES IN METEOROLOGICAL VALUES IN THE MIDDLE ZERAVSHAN BASIN UNDER CONDITIONS OF CLIMATE WARMING

F. KHIKMATOV¹, R.R. ZIYAEV¹, S.A. KHAYDAROV², D.A. SAIDOVA¹, S.R. GANIEV²

¹ National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek, hikmatov_f@mail.ru

² Samarkand State University named after Sharof Rashidov, safarboy@mail.ru

Abstract. *The article is devoted to assessing quantitative changes in the main meteorological factors - precipitation and air temperature, which determine the flow of small rivers in the Middle Zerafshan basin. For this purpose, the average long-term values of precipitation and air temperature for the base (BCP) and current (CCP) climatic periods were calculated. Based on a comparison of the calculation results performed for these two periods, it was revealed that the layers of atmospheric precipitation remained almost unchanged, and the air temperature increased by 0.8°C in the CCP relative to the BCP.*

Keywords: *river basin, Middle Zerafshan, climate warming, precipitation, air temperature, quantitative changes, assessment.*

REFERENCES

- Babushkin L.N.* Klimatografiya Sredney Azii [Climatology of Central Asia]. – Tashkent, 1981. – 91 s. (in Russian)
- Bolshakov M.N.* Vodnie resursi rek sovetского Tyan-shanya i metodi ix rascheta [Water resources of the rivers of the Soviet Tien Shan and methods for their calculation]. – Frunze: Ilim, 1974. – 306 s. (in Russian)
- Ziyayev R.R.* Zarafshon havzasi daryolari suv rejimi fazalarining iqlim ozgarishi sharoitidagi siljishlari [Shifts of the water regime phases of rivers of the Zarafshan basin under the conditions of climate change]. Geogr. f. f. d. ... diss. avtoreferati. – Toshkent, 2021. – 46 b. (in Uzbek)
- Karandaeva L.M., Karandaev S.V.* Analiz atmosfernix osadkov bazovogo i tekushego klimaticheskix periodov po dannim meteorologicheskix stansiy basseyna reki Chirchik i sopredelnix territoriy [Analysis of atmospheric precipitation of the base and current climatic periods according to meteorological stations in the Chirchik river basin and adjacent territories] // Gidrometeorologiya i monitoring okrujayushey sredi. – Toshkent, 2022. №3. – S. 30-43. (in Russian)
- Ososkova T.A., Xikmatov F.X., Chub V.Ye.* Izmenenie klimata [Changing of the climate]. – Tashkent: NIGMI, 2005. – 40 s. (in Russian)
- Turgunov D.M.* Tog daryolari kam suvli yillar oqimi gidrologik korsatkichlarini hisoblash va prognozlash [Calculation and forecasting of hydrological indicators of flow of mountain rivers in low-water years]. Geogr. fan. dok. (DSc) ... diss. avtoreferati. – Toshkent, 2022. – 61 b. (in Uzbek)
- Xaydarov S.A.* Zarafshon havzasi daryolari suv resurslarining shakllanishiga iqlimiy omillarning tasirini baholash [Assessment of the influence of climatic factors on the formation of water resources of rivers of the Zarafshan basin]. Geogr. f. f. d. ... diss. avtoreferati. – Toshkent, 2018. – 46 b. (in Uzbek)
- Xakimova Z.F.* Chirchiq-Ohangaron havzasida havo harorati va atmosfera yoginlarining iqlim ilishi sharoitidagi ozgarishlarini baholash [Assessment of changes in air temperature and atmospheric precipitation in the Chirchik-Ohangaron basin under climatic conditions] // Ozbekiston Geografiya jamiyati axboroti. 63-jild. – Toshkent, 2023. – B. 76-81. (in Uzbek)
- Xikmatov F.X., Yunusov G.X., Ziyaev R.R., Erlapasov N.B., Khakimova Z.F.* Zakonomernosti formirovaniya vodnix resursov gornix rek v usloviyax izmeneniya klimata [Patterns of formation of water resources of mountain rivers in conditions of climate change]. Monografiya. – Tashkent: “RNMU”, 2020. – 232 s. (in Russian)
- Xolmatjanov B.M.* Mintaqaviy atmosfera sirkulyatsiyasi, uning Orta Osiyo iqlimining ozgarishi va Ozbekistonning togli hududlarida havoning ifloslanishiga tasiri xususiyatlari [Regional atmospheric circulation, features of its impact on climate change in Middle Asia and air pollution in the mountainous regions of Uzbekistan]. Geogr. fan. dok. (DSc) ... diss. avtoreferati. – Toshkent, 2019. – 58 b. (in Uzbek)
- Saryov B.K., Karandaeva L.M.* Informatsionnie pokazateli kart temperaturi i osadkov v basseyne reki Zerafshan [Information indicators of temperature and precipitation maps in the Zerafshan River basin] // Tr. NIGMI. – Tashkent, 2007. – Вып. 8(253). – S. 93-100. (in Russian)
- Chub V.Ye.* Izmenenie klimata i yego vliyanie na gidrometeorologicheskie protsessi, agroklimaticheskie i vodnie resursi Respubliki Uzbekistan [Climate change and its impact on hydrometeorological processes, agroclimatic and water resources of the Republic of Uzbekistan]. – Tashkent: «VORIS NASHRIYOT» MChJ, 2007. – 133 s. (in Russian)
- Hikmatov F.H., Ziyayev R.R., Hakimova Z.F.* Iqlimiy kattaliklarning iqlim ilishi sharoitidagi ozgarishlarini baholash usullari [Methods of evaluating the changes of climatic quantities in the conditions of climate work] / Iqlim ozgarishi sharoitida arid hududlar suv resurslari: muammolar va ularning yechimlari mavzuidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya. – Toshkent, 2023. – B. 54-59. (in Uzbek)
- Xikmatov F.X., Ziyayev R.R., Saidova D.A.* Iqlim ilishi sharoitida chol-voha hududlaridan oqib otuvchi daryolar havzalarida havo haroratining ozgarishlari [Changes in air temperature in river basins flowing through

desert-oasis regions under climate conditions] / Iklim ozgarishi sharoitida chol-voha ekosistemi: muammolar va yechimlar mavzusidagi xalqaro simpozium. – Buxoro, 2023. – B. 8-12. (in Uzbek)

Ziyayev R.R., Hakimova Z.F., Halimova G.S. Global iqlim ilishi va bu jarayonning atmosfera yoginlarining miqdoriy ozgarishlariga tasirini baholash (Chirchiq-Ohangaron va Orta Zarafshon vohalari misolida) [Assessment of global climate change and the impact of this process on quantitative changes in atmospheric precipitation (In the example of Chirchik-Ohangaron and Middle Zarafshan oases)] / Iklim ozgarishi sharoitida chol-voha ekosistemi: muammolar va yechimlar mavzusidagi xalqaro simpozium. – Buxoro, 2023. – B. 21-25. (in Uzbek)

ГИДРОЛОГИЯ / HYDROLOGY

УДК: 556.18+556.114

**ҚУЙИ АМУДАРЁГА ОҚИБ КЕЛАДИГАН СУВ МИҚДОРНИНГ
АНТРОПОГЕН ОМИЛЛАР ТАЪСИРИДА ЎЗГАРИШИНИ БАҲОЛАШ****Б.Е. АДЕНБАЕВ¹, А.З. УМАРОВ^{1*}, О.А. ХАЙДАРОВА¹**¹ Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, b.adenbayev@mail.ru

Аннотация. Мақолада Қуйи Амударёга оқиб келадиган сув миқдорининг ХХ асрнинг иккинчи ярмида Амударёда қурилган йирик гидротехник иншоотлар таъсирида ўзгариши баҳоланган. Шу мақсадда Туямўйин гидрология пости маълумотлари негизда дарё оқимининг кўп йиллик тебранишлари 90 йиллик давр учун таҳлил қилинган. Таҳлил асосида ҳисоблашлар табиий сув режимли (1930-1956 йй.), сув хўжалиги таъсирининг кучайиши (1957-1990 йй.) ва ҳозирги (1991-2020 йй.) давлари учун амалга оширилган. Биринчи ҳисоб даврида кўп йиллик оқим ҳажмининг умумий ҳисоб даври учун ҳисобланган ўртача қиймати 62,8 км³ га, иккинчи ҳисоб даврида биринчи ҳисоб даврига нисбатан 1,5 марта камайиб 41,6 км³ ни, учинчи ҳисоб даврида эса иккинчи ҳисоб даврига нисбатан 1,67 марта камайиб, 24,8 км³ ни ташкил этганлиги аниқланди.

Калит сўзлар: дарё, сув режими, сув сарфи, гидротехник иншоот, антропоген омил, оқим ҳажми, ўзгариш, баҳолаш, Амударё дарёси.

Кириш. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, сўнгги йилларда дарёлар хавзаларининг турли қисмларида сув ресурсларидан фойдаланиш бўйича имкониятлар ўзаро кескин фарқ қилмоқда. Жумладан, дарёнинг юқори оқимига нисбатан унинг қуйи оқимидаги мамлакатлар заиф бўлиб қолмоқда. Бунга асосий сабаб – дарёларнинг юқори оқимида сув хўжалиги тадбирларининг барча турлари, жумладан, сув омборлари, ГЭСлар, йирик суғориш каналларини қуришдир. Бунинг оқибатида, дарёларнинг қуйи оқимида жойлашган мамлакатларда сув танқислиги йилдан-йилга кучайиб бормоқда.

Худди шу каби, ўтган ХХ асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, Амударё хавзасида янгидан суғориладиган ерлар майдони жадал суратларда кенгайтирила бошланди. Шу мақсадда дарё хавзасининг юқори, ўрта ва қуйи оқимларида бир йўла ирригация ва гидроэнергетикага мўлжалланган йирик гидротехник иншоотлар – сув омборлари, ГЭСлар ва ирригация каналлари қурилиши авж олди. Ушбу гидротехник, гидроэнергетик ва сув хўжалиги иншоотлари Амударёнинг қуйи оқими гидрологик режимига йилдан-йилга кучлироқ таъсир кўрсата бошлади. Натижада Амударё оқими миқдори дарё узунлиги бўйича ҳамда йиллар давомида кескин камайиб борди. Афсуски, бу жараён ҳозирги кунда ҳам, Афғонистонга сув оладиган канал қурилиши туфайли, жадал суратларда давом этмоқда. Бундай салбий оқибатлар таъсирини бироз бўлса-да юмшатиш учун дарё оқими миқдорий ўзгаришларини аниқ баҳолаш катта илмий ва амалий аҳамиятга эга. Ушбу муаммони экологик вазият ёмонлашган Амударёнинг қуйи оқими мисолида ўрганиш ҳозирги кунда ўта долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Муаммонинг ўрганилганлиги. Амударёнинг гидрологик режимини тадқиқ этишнинг умумий назарий ва услубий масалалари дастлаб А.К.Проскуряков [Проскуряков, 1953], Г.В.Лопатин [Лопатин, 1957], М.М.Рогов [Рогов, 1968], В.Л.Шульц, ва Л.И.Шалатова [Шульц, Шалатова, 1975], И.А.Шикломанов [Шикломанов, 1989] каби

* Масъул муаллиф: b.adenbayev@mail.ru, тел.: +998 90 118-30-80

олимларнинг тадқиқотларида батафсил ёритилган. Кейинчалик, ўтган асрнинг иккинчи ярмида, кучли антропоген омил таъсиридаги Амударёнинг сув режими А.А.Рафиқов [Рафиқов, 1981], В.Е.Чуб [Чуб, 2000], Ф.Э.Рубинова [Рубинова, 2005], Э.И.Чембарисов [Чембарисов, 2016], Е.Курбанбаев [Курбанбаев, 2011] каби олимлар томонидан ўрганилган. Ҳозирги кунда ушбу йўналишдаги тадқиқотлар Ф.Ҳ.Ҳикматов [Ҳикматов, 2008], В.А.Рафиқов [Рафиқов, 2009], Б.Е.Аденбаев [Аденбаев, 2020, 2021], А.К.Курбаниязов [Курбаниязов, 2017], Р.Т.Хожамуратова [Хожамуратова, 2020] ва бошқалар томонидан давом эттирилмоқда.

Ушбу тадқиқотнинг **асосий мақсади** Қуйи Амударёга оқиб келадиган дарё сувлари оқимининг антропоген омиллар таъсиридаги миқдорий ўзгаришларини баҳолашдан иборат. Мазкур мақсадни амалга ошириш учун тадқиқот ишида қуйидаги **вазифалар** белгилаб олинди: 1) Қуйи Амударёнинг бошланиш қисмида жойлашган Туямўйин гидрология постида 1930-2020 йиллар давомида кузатилган сув режими маълумотларини тўплаш; 2) тўпланган маълумотларни бирламчи қайта ишлаш, умумлаштириш ва уларни учта ҳисоб даврларга, жумладан, табиий сув режимли давр (1930-1956 йй.), сув хўжалиги таъсирининг кучайиш даври (1957-1990 йй.) ва ҳозирги давр (1991-2020 йй.) ларга бўлиб ўрганиш; 3) ҳисоб даврлари бўйича дарё оқимининг антропоген омиллар таъсирида миқдорий ўзгаришларини баҳолаш.


Тадқиқот объекти ва предмети. Ишда тадқиқот объекти сифатида Қуйи Амударё худуди танлаб олинди. Дарё оқимининг антропоген омиллар таъсирида миқдорий ўзгаришларини баҳолаш, таҳлил қилиш, улардан тегишли хулосалар чиқариш каби масалалар тадқиқотнинг предметини белгилайди.

Бирламчи маълумотлар ва тадқиқот усуллари. Ишни бажариш жараёнида Амударёнинг қуйи оқимида жойлашган, Ўзгидромет тасарруфидаги Туямўйин гидрология постида кузатилган ўртача кўп йиллик (1930-2020 йй) сув сарфлари маълумотларидан фойдаланилди. Тадқиқотда географик умумлаштириш ва таққослаш, замонавий гидрологик ҳисоблашлар, эҳтимоллар назарияси ва математик статистика усуллари қўлланилди.

Асосий натижалар ва уларнинг муҳокамаси. Тадқиқот Амударёнинг қуйи оқимида жойлашган Туямўйин гидрология постида узок йиллар давомида кузатилган сув сарфлари маълумотларини таҳлил қилиш билан бошланди. Бу борада бажарилган ҳисоблашлар натижаларининг кўрсатишича, Туямўйин гидрология постида 1930 йилдан 1956 йилгача бўлган давр оралиғини табиий режимли давр деб олинди. Чунки ушбу даврда Амударёнинг Керки ва Туямўйин гидрология постлари оралиғида суғоришга олинган сув миқдорлари доимий бўлиб, улар дарёнинг йиллик оқимига нисбатан 10 фоиздан ошмаган [Проскуряков, 1953]. Лекин, 1957 йилдан бошлаб Амударёдан Қорақум каналига сув олина бошланган. Ушбу ҳолатни ҳисобга олиб, 1956 йил табиий сув режимли I ҳисоб даврининг охириги йили, 1957 йил эса II ҳисоб даврининг бошланиши сифатида қабул қилинди.

Мазкур II ҳисоб даври давомида, аниқроғи, 1970-йиллардан бошлаб, Амударёдан Қарши магистрал канали (ҚМК) ҳамда Аму-Бухоро канали (АБК) ва бошқа йирик ирригация каналларига сув олина бошланди [Аденбаев, Умаров, 2013]. Ушбу II ҳисоб даврининг охири сифатида 1990 йил қабул қилинди. Ўзбекистон 1991 йилда мустақилликка эришгач, мамлакатимиз сув хўжалиги тизимида жиддий ўзгаришлар бўлди. Шу ҳолатлар ҳисобга олиниб, III ҳисоб даврининг охириги йили сифатида 2020 йил қабул қилинди.

Ишнинг мақсадидан келиб чиқиб, тўпланган маълумотлар асосида ҳар бир ҳисоб даври учун ўртача йиллик сув сарфларининг йиллараро тебраниш графиклари [$Q_{\text{й}}=f(T)$] чизилди ва улар таҳлил қилинди (1-расм).



1-расм. Амударё дарёси оқимининг йиллараро тебраниш графиклари
(Туямўйин гидрология пости)

Рис 1. Графики многолетних колебаний стока реки Амударья
(гидрологический пост Туямуюн)

Fig 1. The graph of long-term fluctuations in the flow of the Amudarya River
(hydrological post Tuyamuyun)

Табиий сув режимли давр учун чизилган графикнинг таҳлили шуни кўрсатадики, 1930 йилдан 1956 йилгача бўлган оралиқда ўртача кўп йиллик сув сарфи $1993 \text{ м}^3/\text{с}$ га тенг бўлган. Бу миқдор 1930 йилдаги ўртача йиллик сув сарфига яқиндир. Шу йиллар мобайнида дарёда энг катта ўртача йиллик сув сарфи 1945 йилда кузатилиб, унинг қиймати $2730 \text{ м}^3/\text{с}$ га тенг бўлган. Энг кичик ўртача йиллик сув сарфи эса 1951 йилда кузатилиб, унинг миқдори $1150 \text{ м}^3/\text{с}$ ни ташкил этган (1-жадвал).

Юқорида таъкидланганидек, 1957-1990 йиллар оралиғида, Амударё узунлиги бўйича, бир қанча йирик гидротехник ҳамда гидроэнергетик иншоотлар қурилган ва йирик ирригация каналларига сув олина бошланган. Жумладан, Амударёнинг юқори оқимида Нурек сув омбори (1972 й.), унинг ўрта оқимида Қарши магистрал (1965-1973 йй.) ва Аму-Бухоро (1965-1976 йй.) каналлари фойдаланишга топширилган. Дарёнинг қуйи оқимида эса Туямўйин сув омбори (1978-1983 йй.) қурилиб, ишга туширилган. Ушбу йирик гидротехник иншоотлар Амударё оқими миқдорининг унинг узунлиги бўйича ўзгаришига ўз таъсирини кўрсатди. Натижада, табиий сув режимли I ҳисоб даврига нисбатан II ҳисоб даврида ўртача кўп йиллик сув сарфи миқдори ҳисоб гидрология постида 1,5 марта камайган ва $1319 \text{ м}^3/\text{с}$ ни ташкил этган. Ишнинг кейинги босқичида, яъни собиқ Иттифоқ парчаланиб, мамлакатимиз мустақилликка эришган III ҳисоб даврида Амударё оқими миқдорий ўзгаришларини баҳолашга алоҳида эътибор қаратилди.

Охириги йилларда, Амударё оқимига антропоген омилларнинг таъсири билан бир вақтда, иқлим илиши натижасида дарёнинг қуйи оқимида кам сувли йиллар тез-тез кузатилмоқда. Бунинг асосий сабаблари Нурек ва Туямўйин каби йирик сув омборлари иш режимининг номувофиқлиги ҳамда Қорақум, Қарши магистрал ва Аму-Бухоро каналларининг тўлиқ режимда ишлаши билан боғлиқдир. Дарёдан Афғонистонга сув олиниши, биз ўрганаётган ҳудудда сув тақчиллигини яна зўрайтиради.

Юқорида келтирилган учта ҳисоб давлари учун аниқланган характерли сув сарфлари ва уларга мос бўлган оқим ҳажмларининг қийматлари таҳлил қилинди

(1-жадвал). Ушбу жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, сув ҳўжалиги тадбирларининг кучайиши рўй берган II ҳисоб даврида ўртача кўп йиллик сув сарфларининг миқдорлари табиий сув режимли I ҳисоб даврига нисбатан камайиб борган. Жумладан, табиий режимли I ҳисоб даврида унинг қиймати 1993 м³/с, сув ҳўжалиги тадбирлари кучайган II ҳисоб даврида 1319 м³/с ва охириги 30 йиллик, яъни III ҳисоб даврида эса 788 м³/с ни ташкил этган. Шунга мос равишда оқим ҳажмларининг ўртача кўп йиллик қийматлари ҳам камайиб борган.

1-жадвал

**Амударё дарёси оқимининг турли ҳисоб даврларидаги миқдорий ўзгаришлари
(Туямўйин гидрология пости)**

Таблица 1

**Количественные изменения стока реки Амударья в разные
расчетные периоды (гидрологический пост Туямуюн)**

Table 1

**Quantitative changes in the flow of the Amudarya River in different
calculation periods (hydrological post Tuymuyun)**

Ҳисоб даврлари, йиллар	Характерли сув сарфлари, м ³ /с			Оқим ҳажмлари, км ³		
	ўртача кўп йиллик	максимал йил	минимал йил	ўртача кўп йиллик	максимал	минимал
I. 1930-1956 йй.	1993	<u>2730</u> 1945 й.	<u>1150</u> 1951 й.	62,8	86,7	45,7
II. 1957-1990 йй.	1319	<u>2900</u> 1969 й.	<u>531</u> 1986 й.	41,6	91,5	16,7
III. 1991-2020 йй.	788	<u>1639</u> 1992 й.	<u>308</u> 2001 й.	24,8	51,7	9,7


Алоҳида қайд этиш лозимки, Амударё узунлиги бўйича ирригация ва гидроэнергетика мақсадларида қурилган йирик гидротехник иншоотларнинг эксплуатация қилиниши натижасида Амударё оқимининг экстремал (максимал ва минимал) сув сарфлари ҳам камайган. Ушбу фикр-мулоҳазалар, II ҳисоб давридаги, 1969 йилни ҳисобга олмаганда, ўринлидир. Юқорида келтирилган жадвал маълумотлари асосида, оқим ҳажмининг ўртача кўп йиллик, максимал ва минимал қийматларидан фойдаланиб, ажратилган ҳисоб даврлари учун оқим миқдорларининг ўзгариши диаграммалари чизилди (2-расм).

Графикдан кўришиб турибдики, I ҳисоб даврида кўп йиллик оқим ҳажмининг умумий ҳисоб даври учун ҳисобланган ўртача қиймати 62,8 км³ га, II ҳисоб даврида I ҳисоб даврига нисбатан 1,5 марта камайиб 41,6 км³ ни, III ҳисоб даврида эса II ҳисоб даврига нисбатан 1,67 марта камайиб, 24,8 км³ ни ташкил этган.

Максимал оқим ҳажмларининг белгиланган ҳисоб даврлари учун аниқланган йиллик қийматларининг энг каттаси II ҳисоб даврининг 1969 йилига тўғри келиб, бу йилдаги оқим ҳажми 91,5 км³ га тенг бўлган. Бунинг асосий сабабини, кузатишлар олиб борилган бошқа йилларга нисбатан 1969 йилнинг ўта кўп сувли бўлганлиги билан изоҳласа бўлади. Ундан кейинги ўринда I ҳисоб давридаги 1945 йил ($W=86,7$ км³) туради. Максимал оқим ҳажмининг энг кичик қиймати III ҳисоб даврига тўғри келиб, бу қиймат 51,7 км³ га тенг бўлган ва у 1992 йилга тўғри келади.

Оқим ҳажмлари минимал қийматларининг энг каттаси I ҳисоб даврида, кам сувли 1951 йилда, 45,7 км³ га, II ҳисоб даврида – 1986 йилда, 16,7 км³ га, III ҳисоб даврида эса бу қиймат, 2001 йилда, 9,7 км³ ни ташкил этган. Таъкидлаш лозимки II ва III ҳисоб даврларида Амударё оқими минимал ҳажмининг камайишига, биринчидан антропоген

омиллар таъсири сабаб бўлса, иккинчидан, юқорида қайд этилган йиллар кам сувли бўлганлиги билан ажралиб туради.



2- расм. Амударё дарёси характерли оқим ҳажмларининг ҳисоб даврлари бўйича миқдорий ўзгаришлари

Рис. 2. Количественные изменения характерных объёмов стока реки амударья по расчётным периодам

Fig. 2. Quantitative changes in characteristic runoff volumes of Amudarya River by calculation periods

Қуйи Амударёга оқиб келадиган сув миқдорининг алоҳида беш йиллик ҳисоб даврларидаги ўзгаришларини ўрганиш ҳам муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга. Ушбу ҳолатларни эътиборга олган ҳолда, юқорида келтирилган ҳисоб даврларига мос равишда оқим миқдорларининг алоҳида беш йилликлар бўйича ўзгаришлари таҳлил қилинди (3-расм).


Таҳлиллар натижаларига кўра, I ҳисоб давридаги беш йиллик ҳисоблашлар бўйича ўртача кўп йиллик оқим миқдорининг энг кичик қиймати 1935-1939 йиллар оралиғида кузатиш бўлиб, $57,5 \text{ км}^3$ ни, энг катта қиймати эса 1945-1949 йилларга тўғри келиб $67,4 \text{ км}^3$ ни ташкил этган. II ҳисоб даврида беш йиллик оралиқлар учун бажарилган ҳисоблашлар бўйича ўртача йиллик оқим миқдорининг энг катта қиймати $57,4 \text{ км}^3$ га тенг бўлиб, ушбу миқдор 1957-1961 йилларга тўғри келади. Энг кичик қиймати эса 1982-1986 йилларда кузатилиб, $25,6 \text{ км}^3$ ни ташкил қилган. III ҳисоб даврида 1991-1995 йиллардаги беш йилликда Амударё оқимининг кўпайиши тенденцияси кузатишган. Бунинг асосий сабабини, бошқа йилларга нисбатан кўп сувлилиги билан ажралиб турадиган 1992 йил билан изоҳлаш мумкин. Шу давр ичида ўртача йиллик оқим ҳажми 38 км^3 ни ташкил этган. Дарё оқимининг энг кичик қиймати эса 18 км^3 га тенг бўлиб, 2016-2020 йиллар оралиғига тўғри келган.

Бажарилган тадқиқот натижаларини умумлаштирган ҳолда, **хулоса** сифатида қуйидагиларни қайд этиш мумкин.

1. Қуйи Амударёнинг Туямўйин гидрология постида кузатишган сув сарфлари маълумотлари тўпланди ва улар умумлаштирилиб, бирламчи қайта ишланди, маълумотлар базаси яратилди. Таҳлиллар натижаларига таянган ҳолда, умумий кузатиш йиллари учта ҳисоб даврларига ажратилди: I ҳисоб даври (1930-1956 йй.), табиий сув режимли; II ҳисоб

даври (1957-1990 йй.), антропоген омил таъсири кучайган йиллар; III ҳисоб даври (1991-2020 йй.), сув ҳўжалиги тизимида жиддий ўзгаришлар бўлган йиллар.

2. Ҳар бир ҳисоб даври учун ўртача кўп йиллик ҳамда экстремал сув сарфлари ва улар асосида оқим ҳажмлари аниқланди. Ҳисоблашлар натижаларига кўра, II ҳисоб даврида Амударё оқими миқдори ($W=41,6 \text{ км}^3$) I ҳисоб давридаги ($W=62,8 \text{ км}^3$) га нисбатан 21, 2 км^3 ёки 44 % га, кейинги III ҳисоб давридаги оқим миқдори $W=24,8 \text{ км}^3$ га тенг бўлиб, I ҳисоб даврига нисбатан 38 км^3 (61%) га камайган.



3-расм. Амударё дарёси оқимининг турли ҳисоб даврларида ўзгариши

Рис.3. Изменение стока реки Амударья в разные расчетные периоды

Fig.3. Change in Amudarya River flow in different reporting periods

3. Қуйи Амударёга оқиб келадиган сув миқдорининг алоҳида беш йилликлардаги ўзгаришлари тадқиқ этилди. I ҳисоб даврида беш йилликлардаги ўртача оқим ҳажмининг энг кичик қиймати $W=57,5 \text{ км}^3$ га тенг бўлиб, 1935-1939 йиллар оралиғига, энг катта миқдори ($W=67,4 \text{ км}^3$) эса 1945-1949 йилларга тўғри келди. Оқим миқдорларининг беш йилликлар бўйича кескин ўзгаришлари II ва III ҳисоб даврларида кузатилди.

4. Алоҳида қайд этиш лозимки, Амударё оқимининг беш йилликлар бўйича камайиши III ҳисоб даврида ҳам жадал суратларда давом этди. Ушбу камайиш натижасида охириги беш йиллик (2016-2020 йй.) да Қуйи Амударёга бор йўғи $W=18 \text{ км}^3$ сув оқиб келди. Кўриниб турибдики, ушбу рақам табиий сув режимидаги ўртача кўп йиллик миқдори ($W=64,6 \text{ км}^3$) га нисбатан 3,6 марта камдир.

5. Умумий хулоса сифатида айтиладиган бўлса, тадқиқот натижаларидан Қуйи Амударёда жойлашган Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти ҳамда Туркменистон Республикасининг Тошхувуз вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш режаларини тузишда ҳисобга олиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Миннатдорчилик. Муаллифлар мақолани нашрга тайёрлаш жараёнида билдирган таклифлари, илмий маслаҳатлари учун г.ф.д., профессор Ф.Ҳ.Ҳикматовга ўз миннатдорчилигини билдирадилар.

Муаллифлар хиссаси. Б.Е. Аденбаев: мақола ғояси, методология, тадқиқот объектини танлаш, натижалар таҳлили, хулосалар. **А.З. Умаров:** мақола ғоясини қўллаш, ҳисоблашлар, натижаларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш, мақола матнини ёзиш, мақолани расмийлаштириш. **О.А. Хайдарова:** ҳисоблашлар, натижалар таҳлили, илмий хулосалар, мақолани расмийлаштириш. Барча муаллифлар қўлёзманинг нашрга тавсия этилган матни билан танишдилар ва ўз розиликларини билдирдилар.

АДАБИЁТЛАР

Аденбаев Б.Е. Современный гидрологический режим и водообеспеченность низовьев реки Амударьи // Автореф дисс.. на соис.. ученой степени д.г.н. – Ташкент, 2020. – 72 с.

Аденбаев Б.Е., Умаров А.З. Об изменении стока реки Амударьи под влиянием хозяйственной деятельности // Фарғона водийсида табиатдан фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг долзарб муаммолари республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Наманган, 2013. – Б.109–110.

Аденбаев Б.Е., Хикматов Ф.Х. Оценка современного гидрологического режима и водообеспеченности низовьев реки Амударьи. – Ташкент “INFO CAPITAL BOOKS”, 2021. – 176 с.

Курбанбаев Е.К., Артыков О., Курбанбаев С.Е. Аральское море и водохозяйственная политика в республиках Центральной Азии. – Нукус: «Каракалпакстан», 2011. – 127 с.

Курбаниязов А.К. Эволюция ландшафтов обсохшего дна Аральского моря: монография. – М.: Издательский дом Академии Естествознания, 2017. – 148 с.

Лопатин Г.В. Материалы по гидрологии дельты Амударьи // Труды лаборатории озероведения, Том 4. – Л.: 1957. – С. 192-268.

Проскураков А.К. Водный баланс реки Амударьи на участке от г.Керки до г.Нукуса. – Л.: Гидрометеиздат, 1953. – 89 с.

Рафиков А.А., Тетюхин Г.Ф. Снижения уровня Аральского моря и изменения, природных условий низовьев Амударьи. – Ташкент: Фан, 1981. – 200 с.

Рафиков В.А. Антропогенные факторы прогнозирования изменения геосистем Приаралья // Наука Каракалпакстана: вчера, сегодня, завтра: Материалы республиканской научно-практической конференции. – Нукус, 2009. – С. 74-76.

Рубинова Ф.Э., Иванов Ю.Н. Качество воды рек бассейна Аральского моря и его изменение под влиянием хозяйственной деятельности. – Ташкент: НИГМИ Узгидромет, 2005. – 185 с.

Рогов М.М., Ходкин С.С., Ревина С.К. Гидрология устьевой области Амударьи. – М.: Гидрометеиздат, 1968. – 268 с.

Хикматов Ф.Х., Аденбаев Б.Е., Ибраев Р.А. Динамика поступления речных вод в дельту реки Амударьи // Известия географического общества Узбекистана, Том 31. 2008. – С. 57-59.

Хожамуратова Р.Т. Комплексная оценка влияния мелиорации на гидроэкологическое состояние водных ресурсов Республики Каракалпакстан и пути их уменьшения // Автореф... дисс.. на соис.. ученой степени д.г.н. – Ташкент, 2020. – 72 с.

Чембарисов Э.И., Насрулин А.Б., Лесник Т.Ю., Хожамуратова Р.Т. Генезис, формирование и режим поверхностных вод Узбекистана и их влияние на засоление и загрязнение агроландшафтов (на примере бассейна р. Амударьи). – Нукус: Каракалпакстан, 2016. – 187 с.

Чуб В.Е. Многолетние характеристики компонентов водных ресурсов зоны формирования стока Средней Азии и их изменения. – В кн.: Водные ресурсы, проблемы Арала и окружающая среда. – Ташкент: Университет, 2000. – С. 3-19.

Шикломанов И.А. Влияние хозяйственной деятельности на речной сток. – Л.: Гидрометеиздат, 1989. – 335 с.

Шульц В.Л., Шалатова Л.И., Лукина Н.К., Видинеева Е.М. Гидрологическая характеристика верхней части бассейна Амударьи. – Ташкент, Изд-во «Фан», 1975. – 123 с.

Хайдарова О.А. Амударё гидрологик режимига таъсир этувчи сув иншоотлари ҳақида // Ўзбекистон география жамяти ахбороти, 41-жилд. – Тошкент, 2013. – Б. 156-160.

ОЦЕНКА ИЗМЕНЕНИЙ ОБЪЕМА ПОСТУПЛЕНИЯ РЕЧНЫХ ВОД В НИЗОВЬЯ АМУДАРЬИ ПОД ВЛИЯНИЕМ АНТРОПОГЕННЫХ ФАКТОРОВ**Б.Е. АДЕНБАЕВ¹, А.З. УМАРОВ¹, О.А. ХАЙДАРОВА¹**¹ Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека, b.adenbaev@mail.ru.

Аннотация. В статье оценены изменения объема поступления речных вод в низовья реки Амударьи под влиянием строительства крупных гидротехнических сооружений, построенных во второй половине XX века. Для этого были проанализированы многолетние колебания стока реки за 90 летний период по данным гидрологического поста Туямуюн. На основе анализа произведены расчеты для периодов естественного водного режима (1930-1956 гг.), повышенного влияния водного хозяйства (1957-1990 гг.) и современного (1991-2020 гг.) периодов. В первом расчетном периоде среднее значение многолетнего объема стока, рассчитанное за весь расчетный период, составил 62,8 км³, во втором расчетном периоде составило 41,6 км³, что меньше в 1,5 раза по сравнению с первым расчетным периодом, а в третьем расчетном периоде он снизился до 24,8 км³ или в 1,67 раза меньше по сравнению со вторым расчетным периодом.

Ключевые слова: река, водный режим, расход воды, гидротехническое сооружение, антропогенное влияние, объем стока, изменение, оценка, река Амударья.

ASSESSMENT OF CHANGES IN THE VOLUME OF RIVER WATER INPUT INTO THE LOWER AMUDARYA UNDER THE INFLUENCE OF ANTHROPOGENIC FACTORS**B.E. ADENBAEV¹, A.Z. UMAROV¹, O.A. KHAYDAROVA¹**¹ Mirzo Ulugbek National University of Uzbekistan, b.adenbayev@mail.ru.

Abstract. The article assesses changes in the volume of river water inflow into the lower reaches of the Amudarya River under the influence of the construction of large hydraulic structures built in the second half of the 20th century. For this purpose, long-term fluctuations in river flow over a 90-year period were analyzed according to data from the Tuyamuyun hydrological station. Based on the analysis, calculations were made for periods of natural water regime (1930-1956), increased influence of water management (1957-1990) and modern (1991-2020) periods. In the first calculation period, the average value of the long-term runoff volume calculated for the entire calculation period was 62.8 km³, in the second calculation period it was 41.6 km³, which is 1.5 times less compared to the first calculation period, and in the third calculation period period it decreased to 24.8 km³ or 1.67 times less compared to the second calculation period.

Keywords: river, water regime, water flow, hydraulic structure, anthropogenic influence, flow volume, change, assessment, Amudarya River.

REFERENCES

Adenbaev B.E. Sovremennyy gidrologicheskiy rejim i vodobespechennost nizovyev reki Amudari [Current hydrological regime and water supply of the lower reaches of the Amu Darya river] //Avtoref... diss.. na sois.. uchenoy stepeni d.g.n. – Tashkent, 2020. – 72 s. (in Russian)

Adenbaev B.E., Umarov A.Z. Ob izmenenii stoka reki Amudari pod vliyaniem hozyaystvennoy deyatel'nosti [On changes in the flow of the Amu Darya River under the influence of economic activity] // Farghona vodiysida tabiatdan foidalanish va muhofaza qilishning dolzarb muammolari respublika ilmiy-amaly conference materiallari tuplami. – Namangan, 2013. – B. 109-110. (in Russian)

